

**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

**ВЕСТНИК ХОРЕЗМСКОЙ АКАДЕМИИ  
МАМУНА**

**BULLETIN OF KHOREZM MAMUN  
ACADEMY**



**2(23)/2012**



**ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**  
**АХБОРОТНОМАСИ**

**ВЕСТНИК ХОРЕЗМСКОЙ АКАДЕМИИ МАМУНА**  
**BULLETIN OF KHOREZM MAMUN ACADEMY**

**МУАССИС:**

Ўзбекистон Фанлар академияси  
минтақавий бўлими – Хоразм  
Маъмун академияси

ГУВОҲНОМА: № 13-040

**Бош муҳаррир**  
Шавкат ҚОДИРОВ

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

220900, Хива, Марказ-1.  
Тел/факс: 8 (362) 3757001  
E-mail: mamun1000@mail.ru

**Таҳрир хайъати**

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ  
Рўзимбой ЭШЧАНОВ  
Азимбой САДУЛЛАЕВ  
Акбар ҲАКИМОВ  
Мадрахим МАҲМУДОВ  
Сапарбой РЎЗИМБОЕВ  
Бахтиёр ДЎСЧАНОВ  
Назирбой ИБРАГИМОВ  
Ражаббой СОБИРОВ  
Санъатбек САЛАЕВ  
Абдулла АБДУРАСУЛОВ  
Гавҳаржон ДУРДИЕВА  
Жуманиёз ҚУТЛИЕВ  
Иброҳим РЎЗМЕТОВ

Журнал 2006 йилдан бир йилда  
тўрт марта чоп этилмоқда.  
Мақоладаги маълумотлар учун  
муаллифлар жавобгардир.

Бичими: 60x84 1/8

Ҳажми: 7,75 б.т.

Теришга берилди: 28.05.2012

Босишга рухсат этилди: 04.06.2012

Нусхаси: 120

Буюртма: №2-т

**Бош муҳаррир ўринбосари**  
Машариб АБДУЛЛАЕВ  
**Ўзбекча мати муҳаррири**  
Отабек ИСМОИЛОВ  
**Русча мати муҳаррири**  
Отаназар Чўпонов  
**Инглизча мати муҳаррири**  
Руслан МАДАМИНОВ  
**Техник муҳаррир**  
Гулистан АРТИКБАЕВА

Хоразм Маъмун академияси кичик  
босмахонасида босилди.

Хива шаҳри, Марказ-1.

Сотувда келишилган нархда

MUNDARIJA  
СОДЕРЖАНИЕ  
CONTENT

**БИОЛОГИЯ**

**Р.Эгамбердиев, М.Рўзметова, О.Ота-  
жонов.** Орол бассейнида ҳосил бўлаётган  
чўллашиш жараёнининг олдини олишда  
яшовчанлиги юқори бўлган  
ўсимликлардан фойдаланиш ..... 2  
**Р.Мадаминов, Ш.Юсупов.** Амударё  
қуйи оқимида сув ресурслари чекланган  
шароитларда сув тақчиллиги муаммоси .4  
**Ш.Б.Рахимов, Р.Р.Мадаминов.**  
Экология ва табиатни муҳофаза  
қилишнинг умумий масалалари .....6

**ТЕХНИКА**

**Б.Собиров, Р.Нафасов, Х.Ражабов.** К  
вопросу длительной прочности бетона  
при трехосном сжатии ..... 10  
**Б.Собиров, Р.Нафасов, Х.Ражабов.**  
Характер разрушения опытных образцов  
из тяжелых бетонов при различных  
напряженных состояниях .....13

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ**

**Ф.Болтаев.** Ҳар хил муддатда экилган  
кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши  
ва дон ҳосилдорлиги ..... 16  
**У.Дусчанов, И.Абдуллаев.** Қишлоқ  
хўжалик экинлари зараркунандалари  
энтомофаглари ..... 17  
**Ш.Ю.Кадиров, У.Қ.Абдурахимов,  
Н.У.Ҳамраев.** Янги ва истикболли кузги  
буғдой навларининг қишга чидам-  
лилиги..... 19  
**Б.Мамарахимов.** Ғўзанинг бирламчи  
уруғчилиги .....20  
**Б.Мамарахимов.** Ғўза навларини  
жойлаштириш ва унинг элита уруғ-  
чилиги.....23  
**Р.Рўзметов, А.Машарипов, Х.Адамова,  
Ш.Ганжаев.** Ғўза далалари тупроқлари  
унумдорлигини оширишда дуккакли  
экинлардан фойдаланиш муаммолари  
.....26

**Р.Рўзметов, К.Йўлдошев, А.Машарипов,  
С.Палванов, Д.Қурбанова.** Қуйи Амударё  
худудида тарқалган тупроқларнинг  
экологик муаммолари ..... 27  
**Ж.Ҳаитбоева, Г.Сабилова.** Хоразм  
вилоятида минерал ўғит меъёрларини  
кузги буғдой барг сатҳининг  
ривожланиши, экин ҳосилдорлиги ва  
ҳосил структурасига таъсири .....30  
**Н.Ҳамраев.** Хоразм воҳаси шароитида  
кузги буғдой навлари уруғларининг  
унувчанлигига ҳароратнинг таъсири ва  
майсаларининг ўсиш энергияси ..... 32

**ТАРИХ**

**М.С.Абдуллаев, Р.Отаниёзова.** Хива  
миноралари ва уларнинг безатилиши .. 35  
**М.Матякубова.** Антик даврда Хоразм  
мудофаа тизими ва мудофаа  
қуролларининг такомиллашуви ..... 37  
**Р.Отамуротова.** Хоразмликлар jahonning  
qadimiy xalqlaridan biri..... 39  
**С.Тиллабоев.** “Туркистон тўплами”нинг  
тайёрланиши ва унда ўлкага оид  
маълумотлар ..... 42

**ЮРИДИК ФАНЛАР**

**С.М.Саҳаддинов.** Тиббий йўсиндаги  
мажбурлов чоралари: муаммо, таҳлил ва  
тадқиқотлар..... 45  
**С.Машарипов.** Конституция – основа  
защиты прав и свобод человека .....49

**ТИББИЁТ**

**Р.С.Кутлимуратов.** О качестве воды в  
Тюямуюнском водохранилище и  
возможности ее использования в  
народном хозяйстве ..... 55

**ТАВАЛЛУД**

Сафарбой Рўзимбоев – 70 ёшда.....58  
Абдулла Абдурасулов – 70 ёшда .....59

**ИЛМИЙ ҲАЁТ**

**М.Абдуллаев.** Академияда илмий  
анжуманлар .....60



## БИОЛОГИЯ

### **ОРОЛ БАССЕЙНИДА ҲОСИЛ БЎЛАЁТГАН ЧЎЛЛАШИШ ЖАРАЁНИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ЯШОВЧАНЛИГИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ЎСИМЛИКЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ**

**Р.Эгамбердиев, УрДУ профессори,  
М.Рўзметова, УрДУ магистранти,  
О.Отажонов, 2 -сон Академик  
лицейнинг биология ўқитувчиси**

Кейинги вақтда Орол денгизининг чекиниши туфайли Амударёнинг куйи оқимида, хусусан, Хоразм вилоятида ташвишли ҳол вужудга келмоқда. Бу ҳол худудда иқлим ўзгаришларининг ҳосил бўлишига олиб келмоқда. Бунинг сабаби қишнинг қаттиқ совуқ ва ёзнинг иссиқ бўлишидир.

Турли соҳа олимлари - ботаниклар, зоологлар, экологлар, тупроқшунослар аллақачонлардан буён бонг уриб, Орол атрофидаги ҳамда денгизнинг суви қуриган жойлардаги мушкул аҳволни яхшилашга оид лойиҳаларни ишлаб чиқишга даъват этмоқдалар (1,2,3).

Денгиз сувининг камайиши натижасида Ўзбекистон худудига қарашли 2,1 млн. гектар майдонда қуруқ шўрхок ерлар ҳосил бўлди. У ерлардан кучли бўронлар кўтарилиб, атрофдаги ва узоқ масофадаги ўтлоқлар ва қишлоқ хўжалиги экинлари, шаҳар ва қишлоқларга кум, чанг ва тузларни учириб олиб келиб ташламоқда. Шу худудларнинг ҳар гектарига бир йил давомида 540 – 750 кг кучли шўрланган тузлар ёғилар экан. Бунинг оқибатида атмосферадан тушаётган ёмғир сувининг шўрлиги 2 – 5 марта ортган. Орол бўйи худудида яшайдиган аҳолининг 80% ҳар хил касалликлар билан оғримокда. Натижада Орол ҳавзасида шундай экологик ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатидан хавфли ҳолат вужудга келдики, уни яхшилаш ҳозирги куннинг энг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади (4).

Дунё олимлари шуни алоҳида қайд этадиларки, инсониятнинг муҳит шароитларини яхшилашда ва уларни ҳаётий зарур ресурслар билан таъминлашда ўсимликлар дунёси муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ҳозирги кунда тиббиётда қўлланиладиган дори-дармон воситаларининг 60%дан ортиғи доривор ўсимликлардан тайёрланади. Умуман, ўсимликлар дунёсини ўрганиш ҳамма вақт ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга молик бўлиб, икки йўналишда амалга оширилган:

1. Маҳаллий флорага мансуб ем-хашак, доривор ва, умуман, фойдали ўсимликларни асраш ва ареалларини аниқлаш, йўқолиб кетаётган турларни сақлаш, ўстириш ва кўпайтириш.

2. Чет эл флорасига мансуб бўлган доривор ўсимликларни республикамиз шароитида иқлимлаштириш ва уларни мослаштириш, кўпайтириш усулларни ишлаб чиқишга қаратилган (5).

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда янтоқ ўсимлигининг Хоразм вилояти шароитида яшовчанлик хусусиятини 2009 – 2011 йилларда ўргандик. Янтоқ Fabaceae оиласига *Alhagi Gaghob* авлодига киради. Бу ўсимликнинг 7 та тури бўлиб, шундан 4 тури Ўзбекистонда ўсади (Р.Шерметов 1981). Янтоқ ўсимлигининг дамламаси халқ табobatiда терлатувчи, ич сурадиган ва сийдик ҳайдовчи сифатида ишлатилган, бавосил ва қон кетиш касалликларини даволашда ишлатилган. Ер усти қисми қисмларидан тайёрланган дамлама эса ичак инфекцияларини даволашда қўлланилган (6).

Янтоқнинг табиатда тарқалиши, асосан, ер ости сувнинг жойлашишига ва унинг минерал таркибига ёки тупроқ қатламнинг доимий намланиб туришига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам унинг асосий туркуми дарё қирғоқларида, қадимги ва ҳозирги дарё сойликларида жойлашган. Янтоқ фармациялари, кўпинча, чучук ер ости сувлари чуқур жойлашган тупроқларда учрайди, улар тўқай ўсимликлари охириги чегараларини ҳосил қиладилар. Шўрланган тупроқ–

лардаги ассоциацияларда янтоқ ўсимлиги содоминант (устунлик) қилувчи ўсимлик ҳисобланади (Коровин, 1933, 1961; Русанов, 1947; Л.Е.Родир 1963; А. Бахиев, 1985; Мавланов, 1995). Янтоқдан иборат ўсимликлар жамоаси турларга жуда камбағал бўлади. Шу вақтнинг ўзида янтоқ турлари табиатда доривор, ем-хашак, асал берувчи қумнинг кўчишини барқарорлаштирувчи ўсимлик сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ўсимлик табиатда шувок, саксовул, изень, сингари ва бошқа ўсимликлар билан ўсади. Бу ўсимликлар бир жамоада ўсишларига карамасдан, улар ўртасида муҳит шароитлари учун сезиларли даражада рақобат кузатишмайди. Биз 2009, 2010 ва 2011 йилларда янтоқ ўсимлигининг яшовчанлик хусусиятларини Қорақум шароитида Улли шўр кўл ва Қалажиқ кўли атрофидаги қумда, Чолиш атрофидаги тўқайларда янтоқ ва у билан бирга ўсадиган шувок (*Artemisia*), саксовул, (*Haloxylon persicum*), сингрен (*Astragalus unifoliolatus*) ўсимликларининг яшовчанлик хусусиятларини кузатдик. Бунинг учун юқоридаги муҳит шароитида катталиги 10 метр квадрат бўлган 3 та тажриба майдонида ва худди шундай катталиқда Улли шўр кўл атрофидаги Қорақумда ҳам 3 та тажриба майдонида олиб борилди.

*1-жадвал. Улли шўр кўл атрофидаги Қорақум шароитида ўсимликларнинг сақланганлиги, %, 2009 й.*

Ўсимлик тури	I		II		III	
	Бошланиши	Охири	Бошланиши	Охири	Бошланиши	Охири
Alhagi	81,7	80,9	91,2	89,9	93,2	91,1
Haloxylon	79,5	77,6	80,3	79,1	88,2	84,5
Astragalus	82,5	80,1	79,8	77,5	80,7	79,8
Artemisia	77,2	75,1	81,2	80,1	78,4	76,3

Биринчи жадвалдаги маълумотлар натижаси шуни кўрсатадики, 2009 йилдаги кузатишларга кўра яшовчанлик хусусияти жиҳатидан янтоқ ўсимлиги

саксовул, сингрен ва шувок ўсимликларига нисбатан анча юқори эканлиги аниқланди. Худди шундай ҳолат 2010 – 2011 йилларда Боғот туманида жойлашган Қалажиқ кўли атрофида олиб борилган кузатишларда ҳам кузатилади (2-жадвал).

*2-жадвал. Қалажиқ кўли атрофида ўсимликларнинг сақланганлиги, %, 2010 – 2011 йй.*

Ўсимлик тури	I		II		III	
	Бошланиши	Охири	Бошланиши	Охири	Бошланиши	Охири
Alhagi	83,2	81,1	89,2	85,1	92,3	90,9
Haloxylon	76,7	78,9	84,5	81,2	86,1	83,2
Astragalus	81,2	79,9	83,2	80,1	79,8	78,1
Artemisia	76,2	74,1	80,1	79,2	81,5	80,2

Шу йиллар давомида ўтказилган кузатишлар натижасида олинган маълумотларни 1970 – 73 йиллардаги маълумотлар билан таққослаш натижасида шу нарса аниқландики, кейинги даврда бу ҳудудга табиий ўсимликлар жамоасининг захираси, Амударё сув миқдорининг кескин камайиши натижасида чўлга айланиб бораётган ерларнинг кўпайишга имкон яратмоқда. Бу ҳудудларда тупроқ ҳосил бўлиш жараёнида флора ва ўсимликлар қопламида кучли ўзгаришлар ҳосил бўлишига олиб келмоқда. Жумладан, шу муҳитнинг флораси ҳисобланган оқ нилфия, сув қирққулоғи, шунингдек, халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган ширинмия, янтоқ ўсимликларининг захираси камаймоқда, бу ҳолат табиий равишда, ҳудуднинг иқлим шароитига катта таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, деҳқончилик тизимига, яъни қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосили йилдан - йилга камайиб бормоқда, буларнинг олдини олиш учун табиий флорани, айниқса, қум этакларидаги янтоқ, саксовул, сингрен каби ўсимликларни сақлаб қолиш учун уларнинг биоэкологиясини ўрганиш орқали уларни кўпайтиришга эътибор бериш шу

куннинг энг мухим муаммоси ҳисобланади.

Табиийки, табиий флорани қайта тиклаш ҳудуддаги намликни сақлашга, маданий ўсимликларни қумдан эсадиган гармсел шамолларнинг таъсиридан ҳимоя қилади.

Демак, Орол денгизининг чекиниши туфайли содир бўлаётган шўрхоқларни табиий ҳолда ўсадиган ўсимликларни ўрганиш ва уларни яхши билиш фитомелиорация ишларини муваффақиятли амалга ошириш орқали ҳудудда ҳосил бўлаётган чўлланиш жараёнининг олдини олишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Кокшарова Н., Навицкий З. Оролнинг сувсиз ерлари – хўжалик оборотиға. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиғи. – Тошкент, 1988. – №6.
2. Эгамбердиев Р.Э. Экологические проблемы орошаемого земледелия в низовьях Амударья. – Ташкент: Узбекистан, 1990.
3. Шарифходжаев М. Экономика и экологическая устойчивость. // Экономика и статистика. – Ташкент, 1996. – №5.
4. Камалов Ш. Суви тарк этган шўрхоқ ерларни ўзлаштириш. // O`zbekiston ekologiyasi xabarnomasi. – Toshkent, 1997, – №5-6.
5. Тўхтаев Б. Ўзбекистонда доривор ўсимликлар интродукцияси ва унинг тарихи. O`zbekiston ekologiya xabarnomasi. 2007, №2.
6. Холметов Х.Х. Дикорастущие лекарственные растения Узбекистана. – Ташкент, 1964.
7. Коровин Е.П. Растительность Средней Азии и Южного Казахстана. – Ташкент, 1966. – №2.
8. Родин Л.Е. Растительность пустынь Западной Туркмении. – М. – Л., 1963.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье обсуждена роль растительных сообществ с высокими свойствами выживаемости в предотвращении процесса опустынивания в Аральском бассейне.

#### RESUME


In the given article role of vegetable substances with high survival potential in desertification prevention in Aral Sea basin is discussed.

## АМУДАРЁ ҚУЙИ ОҚИМИДА СУВ РЕСУРСЛАРИ ЧЕКЛАНГАН ШАРОИТЛАРДА СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ МУАММОСИ

Р.Мадаминов, Хоразм Маъмун  
академияси кичик илмий ходими,  
Ш.Юсупов, ГМ ИТИ стажер-  
тадқиқотчи-изланувчиси


XX асрнинг иккинчи ярмида дунёдаги катталиги бўйича тўртинчи ўринда турувчи денгизнинг Марказий Осиёда суғорма деҳқончилик майдонларининг кенгайиши билан қуриб бориши натижасида Орол бўйида янги экосистеманинг шаклланиши ҳақидаги фаразлар бугунга келиб ҳам аниқ бир ечимини топгани йўқ. Лекин, истикболда Орол бўйидаги қишлоқ хўжалиғи майдонларининг бир қанча омиллар таъсирида ўзгариши, бундай ўзгаришларга сув ресурсларининг альтернатив манбалари билангина қарши туриш мумкинлиги, яқин ўтмишда бундай тадбирларнинг бир қанчаси кўриб чиқилганлиги кўпчилик тадқиқотларда ёритилган.

Бугунга келиб Амударё қуйи оқидамида шаклланган қишлоқ хўжалиғи тўлалигича суғоришга асосланган деҳқончиликнинг салмоқли улуши билан белгиланади. Минтақада қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши Қорақалпоғистон Республикасида 50.4%, Хоразм вилоятида 57.7% ҳамда Туркменистоннинг Тошхөвүз вилоятида 47.3% ташкил қилади (1). Халқаро ташкилотлар ва давлатнинг кўрсатаётган кўмағига қарамай Амударё қуйи оқидамида сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича бир қанча салбий ўзгаришлар ривожланишини тўлалигича бартараф қилиб бўлмапти. Қишлоқ хўжалиғи Амударёга сув келиш шароитига боғлиқ бўлиб қолганлиги тадқиқотларга кўра сув кам келган йилларда қишлоқ хўжалиғи экин майдонларининг 28% гача қисқариб кетишини кўрсатди (1 расм).



1-расм. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланишининг ўзгариши (2000-2010 йй.). Яшил ранг билан асосий қишлоқ хўжалиги экинлари кўрсатилган.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Мустақилликнинг биринчи 10 йиллигида аста секинлик билан собиқ шўролар вақтида шаклланган тизим юмшатилиб, янги институционал шаклга олиб келинган бўлса-да ерларни кенгайтириш изчиллиги давом этаверди. Хусусан, биз кўраётган минтақада 1991 йилда 1103 минг га суғориладиган ер бўлган бўлса, ҳар йили 10-20 минг гектарга ошириб борилиб 1996 йилда 1188 га бўлди. 2000-2001 йиллардаги қурғоқчилик вақтида сув таъминотининг қисқариши билан Қорақалпоғистонда 327 минг га, Хоразмда 24 минг га, Тошҳовузда 36 га ер майдони қисқартирилди. 1991 ва 2010 йиллар оралиғидаги Туямўйиндан қуйига олинган сув миқдори билан экин майдонлари динамикаси солиштирилганда Амударёнинг сув келиш шароитига боғлиқ равишда экин майдонларининг қисқариши ўртасидаги чизикли боғланиш кўрсаткичи 0,23 га тенг эканлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Суғориш суви миқдорига минералланиш ва ер майдонларининг боғлиқлиги.

Кам сувли йилларда суғориш суви таркибидаги минералланиш ортади. Юқоридаги йўналишда суғориш суви ўртасидаги чизикли боғланиш 0.13 га тенг эканлиги аниқланди (2 расм).

Амударё ҳавзаси бўйлаб сув стреси даражаси қуйига томон ортиб, натижаси ўлароқ муаммолар кўлами кенгайиб боради. Дарё бўйлаб қилинган таҳлилларга кўра 2000 йилдаги сув стреси даражаси ўрганилганда юқори оқимда 0,7 км<sup>3</sup>, ўрта оқимда 2,7 км<sup>3</sup> дефицит кузатилган. Амударё қуйи оқимида эса 7,6 км<sup>3</sup>, яъни белгиланган лимитдан 52% сув тақчиллиги кузатилган. Бундай йўналиш минтақавий даражада ҳам сақланиб қолади. Амударёнинг қуйи оқимида асосий бошланишида жойлашган Хоразм вилоятида 1,2 км<sup>3</sup> сув тақчиллиги сезилган. Собиқ шўролар даврида республикалараро сув тақсимотини яхшилаш мақсадида Тошсоқа, Қипчоқ-Бўзсув, Қиличбой каби каналлар қурилган бўлиб унинг асосий сув олиш манбаи Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган. Амударё сувидан фойдаланиш давлатлар ўртасида лимитлаш асосида бориши сабабли Туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятида 2000 йилда тақчиллик 1,8 км<sup>3</sup> бўлган



бўлса Қорақалпоғистон республикасида 3,7 км<sup>3</sup> сув тақчиллиги кузатилган.

Амударё хавзасида шакланган сувдан фойдаланиш бўйича янги тузилма гарчи сув ресурсларидан ҳамкорликда самарали фойдаланишни кўзлаб ташкил қилинган бўлса-да чуқур ислохотлар ўтказишда муаммолар ислохотлар қилиш кўламининг катталигини талаб қилади. Айниқса, сув тақчиллиги йилларида куйига томон тақсимот масаласида муаммонинг чуқурлашиб бориши Амударё куйи оқими мисолида ечимини кутиб турган асосий масаладир.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Сапаров У. Технико-экономическое обоснование ИУВР в низовьях Амударьи. – Ашхабад, 2006.
2. Курбанбаев Е. Артыков О. Курбанбаев С. Интегрированное управление водными ресурсами в дельте реки Амударьи. – Ташкент, 2010.
3. Духовный В.А., Юп де Шутгер. Южное Приаралье – новые перспективы. – Ташкент, 2003.
4. Духовный В.А., Водная и экологическая стабильность в Центральной Азии. В кн. Проблемы Аральского моря и Приаралья. – Ташкент, 2008.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье приведены сведения о проблемах водного дефицита в условиях с ограниченными водными ресурсами в низовьях Амударьи.

#### RESUME

The given article is devoted to the problems of water shortage in condition of limited water resources in the Lower Amudarya.

### ЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Ш.Б.Рахимов, Р.Р.Мадаминов, Хоразм Маъмун академияси кичик илмий ходимлари**

Экология ва табиатни муҳофаза қилиш муаммолари жиддий тус олган ҳозирги даврда табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни мувозанатга

келтириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Табиат, инсон ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорлик муаммоси асосий масалалардан биридир. Табиат жамиятнинг яшаш муҳити, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи ҳисобланади. Жамият табиат ривожланишининг олий босқичи бўлиб, алоҳида ижтимоий мазмунга эга. Табиат ва жамият ўзаро узвий боғланган бир бутун материянинг икки қисми, ўзига хос ижтимоий экосистема ҳисобланади. Табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлик тизимида инсон марказий ўрин эгаллайди. Инсон бир вақтнинг ўзида ҳам табиат, ҳам жамиятнинг ажралмас қисми бўлиб, ижтимоий-биологик моҳиятга эга. Модда ва энергия алмашуви табиат мавжудлигининг асосидир. Материя харакатининг юқори шакли бўлган жамият табиатнинг алоҳида қисми сифатида яшайди ва ривожланади.

Жамият ривожланишининг турли босқичларида унинг табиатга бўлган муносабати ҳам ўзгариб борган. Ибтидоий жамоа тузумида инсоният табиатга сезиларли таъсир ўтказмаган. Қулдорлик тузумида деҳқончилик ва чорвачиликнинг вужудга келиши табиатга таъсирнинг кучайишига сабаб бўлган. Феодализм тузумида меҳнат воситаларининг такомиллашуви, аҳоли сонининг ортиб бориши натижасида инсоннинг таъсир доираси ва суръати ўсиб борган. Капиталистик ижтимоий-иқтисодий тузум қарор топиши билан фан ва техника ривожини, саноат, транспортнинг вужудга келиши, табиий бойликларнинг тезкор ўзлаштирилиши табиатга таъсирнинг юқори даражасига етказди. Атроф муҳитнинг зарарли чиқиндилар билан ифлосланиши муаммоси келиб чиқди. Табиат ва жамият ўртасида ўзига хос антропоген модда ва энергия алмашинуви вужудга келди. Антропоген модда алмашинуви, яъни хом ашёларни табиатдан ошиғи билан олиниши ва зарарли чиқинди ҳолида атроф-муҳитга ташланиши табиат ва жамият ўртасидаги азалий мувозанатнинг бузилишига сабаб бўлди. Табиат ва



жамият муносабатларининг ривожланишида биоген, антропоген ва техноген (нооген) босқичлар ажратилади. Табиий муҳит ҳолатининг инсон таъсирида ўзгариши, жонли ва жонсиз компонентларга кучли антропоген таъсир экологик муаммоларни келтириб чиқаради. Маҳаллий, минтақавий ва умумжаҳон экологик муаммоларни ажратиш мумкин. Айрим йирик шаҳар, sanoat марказлари, алоҳида туманларда маҳаллий, Оролбўйи, Чернобилда минтақавий экологик танг вазиятлар вужудга келган. Озон туйнуклари муаммоси, кислотали ёмғирлар, чўлга айланиш, дунё океанининг ифлосланиши ва бошқалар умумсайёравий экологик муаммолар ҳисобланади.

Ер юзида экологик танг вазиятли ҳудудларнинг кескин кўпайиши экологик инқироз хавфининг реал эканлигини кўрсатади. Агар кейинги 30-40 йил ичида экологик муаммоларни ҳал қилиш учун барча зарур чора тадбирлар кўрилмаса, экологик инқироз муқаррар бўлиб қолиши мумкин. Табиат ва жамиятнинг ўзаро мутаносиб ривожланиши коэволюция деб аталади. Бу ривожланиш суратлари ўзаро мос келмаса инқирозга олиб келади. Жамиятнинг талабга таъсирини меъёрга солиб туриш лозимдир. Экология деганда организмларнинг ўзаро ва муҳит билан алоқадорлигини ўрганадиган биологик фан тушунилади. Табиатни муҳофаза қилиш деганда, барча авлодларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни мусаффо ҳолида сақлашга қаратилган, илмий асосда амалга ошириладиган маҳаллий, давлат ва халқаро тадбирлар мажмуаси тушунилади. Табиатни муҳофаза қилиш деганда комплекс фан ҳам назарда тутилади. Демак, экология ва табиатни муҳофаза қилиш тушунчалари алоҳида мазмун ва мақсадга эга бўлган тушунчалардир. Экология табиатни муҳофаза қилишнинг назарий асоси ҳисобланади.

"Экология" атамасини фанга биринчи бўлиб немис олими Эрнет Геккель 1866 йили киритган. Лекин ҳозирги кунда жуда оммалашиб кетган бу атаманинг мазмуни (грекча "ойкос" - уй, яшаш жойи, "логос" - фан) ушбу фаннинг асл моҳиятини тўла тушуниш имконини бермайди. Экология - ҳаёт жараёнларини ўзига хос услубларда тадқиқ қиладиган мустақил фан ҳисобланади. Экология биологик фанлар туркумига киради. Экологиянинг жуда кўп таърифлари мавжуд. Улардан бирида шундай дейилади: "Экология организмларнинг (ҳар қандай кўринишлардаги, барча даражада уйғунлашган) ҳаёт фаолияти қонуниятларини улар ҳаёти кечадиган табиий муҳитга инсон омилининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўрганадиган фандир".

Тирик табиат қандай тузилган, қайси қонунлар асосида мавжуд ва ривожланади, инсон таъсирига қандай жавоб беради - буларнинг барчаси экологиянинг предмети ҳисобланади. Ҳозирги кунда экологиянинг асосий вазифалари куйидагилардир:

- ҳаётнинг ташкил топиш қонуниятларини инсон таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш;
- биосферадаги жараёнларни ўрганиш, бошқариш, башорат қилиш, инсоннинг яшаш муҳитини сақлаш;
- биологик ресурслардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш ва бошқалардир.

Дастлабки экологик тушунчалар қадимги юнон олимлари асарларида қайд қилинган. Ўсимлик ва ҳайвонлар, инсон ҳаётининг атроф-муҳит билан боғлиқлиги Ибн Сино, Беруний асарларида, шунингдек А.Гумбольт, Ж.Ламарк, К.Рулье, Ч.Дарвин, Э.Геккель асарларида ёритилган. Лекин экологиянинг фан сифатида шаклланиши XX асрнинг бошларида амалга ошди. Дастлаб ўсимликлар ва ҳайвонлар экологияси, XX асрнинг 20-йилларда ижтимоий экология ва инсон экологияси ривожланди. 20-30 йилларда Ўрта Осиё Давлат университетида Д.Н.Қашқаров ва

Е.П.Коровинларнинг экология-география мактаби ташкил этилиб, ўлкамиз табиатини экологик тадқиқ қилиш бошланди. 1940-50 йилларда собиқ иттифокда экологик билимларнинг ривожланиши сусайиб қолди. Атроф муҳит ҳолати тез ўзгара бошлаган XX асрнинг 60-йилларига келиб экология жадал ривожланди, унинг янги йўналишлари вужудга келди. Умумий экология барча организмларнинг алоҳида даражаларда муҳит шароитлари билан ўзаро муносабатлари экологиясини ўрганadi. Ҳозирги кунда экологиянинг ижтимоий ва табиий фанлар чегарасида ривожланаётган тармоқларга инсон экологияси, ижтимоий экология, глобал экология ва бошқалар киради. Экологиянинг вужудга келган янги тармоқлари фанлар тизимида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Организмни ўраб турувчи ва у билан доимий муносабатда бўладиган табиатнинг бир қисми ҳаёт муҳити деб аталади. Ер юзида организмлар тўрт ҳаёт муҳитини ўзлаштирганлар - сув, ҳаво, тупроқ, организм. Организмларнинг яшashi учун бир ёки бир нечта муҳитлар зарурдир. -Ҳаёт муҳитлари алоҳида яшаш муҳитларига бўлинади. Яшаш муҳити - ҳаёт муҳитининг географик ва экологик хусусиятлари билан ажралувчи қисмидир. Масалан: сув ҳаёт муҳитига чучук ва шўр сувли яшаш муҳитлари, оқар ва оқмас сув яшаш муҳитлари ажратилади. Яшаш муҳити яшаш жойи ва биотопларга бўлинади.

Жонсиз (абиотик) табиат омиллари, жонли (биотик) табиат омиллари ва инсон (антропоик) омил гуруҳлари ажратилади. Экологик омиллар барча организмларга, жумладан инсоннинг ҳаётига турли даражада таъсир кўрсатади. Организмларнинг экологик омиллар таъсирига мослашув хусусиятлари йиғиндиси адаптация дейилади. Экологик омиллар таъсирига чидамли ва ер юзида кенг тарқалган организмлар эврибионт организмлар дейилади. Омиллар таъсирига чидамсиз организмлар стенобионтлар деб

юритилади. Фақат алоҳида организмлар эмас, балки организм жамоаларининг ҳам муҳит омиллари таъсирига мослашуви кузатилади.

Табиатдаги мавжуд барча организмлар популяциялар таркибига киради. Экологияда популяция деб умумий майдонда яшайдиган ва ўзаро муносабатдаги бир турнинг зотлари гуруҳига айтилади. Табиатда фақат популяциялар ўз таркибидаги зотлар сонини бошқара олади. Шунинг учун ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш популяция даражасида амалга оширилиши лозим. Экологиядаги асосий тушунчалардан бири экологик система тушунчасидир. Тирик организмлар жамоаси ва уларнинг яшаш муҳитини ўз ичига оладиган функционал система - экологик система дейилади. Чўл, ўрмон, ўтлоқ, ботқоқ, кўлни экосистемаларга мисол қилиб келтириш мумкин.

#### Муҳитнинг экологик омиллар таъсири

Абиотик омиллар:	Биотик омиллар:
Иқлимий: ёруғлик, харорат, намлик, шамол, босим.	Фитоген: ўсимликлар таъсири
Эдафоген: тупроқ хусусиятларининг организмларга таъсири	Зооген: ҳайвонлар таъсири
Орографик: ер юзаси паст-баландликларининг таъсири	Микробоген: вируслар, бактерияларнинг организмларга таъсири
Гидрологик: сув муҳити хусусиятларининг организмлар ҳаётига таъсири	Инсоннинг организмларга бевосита ва яшаш муҳитларига таъсири

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
2. Акрамов З.М., Рафиқов А.А. Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря. – Ташкент: Мехнат, 1990.
3. Алибеков Л.А, Нишонов С.А. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан рационал фойдаланиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
4. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991.

5. Бекназов Р.У., Новиков Ю.В. Охрана природы. – Ташкент: Ўқитувчи, 1995.
6. Иоганзен Б.Г., Лаптев И.П., Львов Ю.А. Экология, биоценология и охрана природы. – Томск, 1979.
7. Национальный доклад. // О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан. – Ташкент: Ўқитувчи, 1995.
8. Новиков Г.А. Основы общей экологии и охраны природы. – Л.: ЛГУ, 1979.

#### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье приведены сведения об общих вопросах экологии и охраны окружающей среды.

#### **RESUME**

In the article information about general problems of environmental protection and ecology was given.



**ТЕХНИКА****К ВОПРОСУ ДЛИТЕЛЬНОЙ ПРОЧНОСТИ БЕТОНА ПРИ ТРЕХОСНОМ СЖАТИИ**

**Б.Собиров, Р.Нафасов, Х.Р.Ражабов,  
УрГУ**

Исследованию длительной прочности бетона при осевом сжатии посвящен ряд работ, и значения этих величин определены достаточно надежно. Что касается оценки длительной прочности в условиях неоднородных напряженных состояний, то количество исследований по этому вопросу крайне недостаточно.

В работе А.В. Яшина [1] на основе кинетической теории прочности твердых тел предлагаются зависимости, определяющие длительные прочности при неоднородных состояниях. Отмечается, что в условиях сложного напряженного состояния снижение долговечности в бетоне происходит по закону, адекватному одноосному сжатию. В качестве одного из возможного параметра, влияющего на степень снижения долговечности бетона, принята величина отношения инвариантов  $g = \sigma / S_1$ .

Рассмотрим связь этой величины с известной формулой

$$\eta_{be} = 0,92 - 0,04 \lg t \quad (1)$$

Зависимость долговечности (в сутки) бетона от уровня напряжений при одноосном сжатии согласно [2]

$$\bar{t} = k \cdot \exp[(a - \eta_{be}) / b_1] \quad (2)$$

где,  $k = 1$  сутки,  $a = 0,92$ ,  $b_1 = 0,0174$ ,  $\eta_{be} = \sigma_1 / \bar{\sigma}_1$  ( $\bar{\sigma}_1$  - максимальное нормальное напряжение).

В работе [1] предлагается производить определение долговечности бетона по следующей формуле

$$\bar{t} = k \cdot \exp[(a(g) - \eta_1) / b_1] \quad (3)$$

откуда, преобразуя  $\lg \bar{t} = k \cdot \frac{a(g) - \eta_1}{b_1} \cdot \lg e$

и подставляя значения  $k$  и  $b_1$

$$\eta_1 = a(g) - 0,04 \lg(\bar{t}) \quad (4)$$

Здесь выражение  $a(g) = 0,90 + 0,05 g$  принято исходя из данных одноосного сжатия и растяжения.

Действительно условие (4) совпадает с известной формулой (1). При одноосном сжатии  $\sigma = \sigma_1 / 3$ ,

$$S_1 = (1/\sqrt{3}) \cdot \sqrt{2} \sigma_1 \text{ соотношения}$$

$$g = \sigma / S_1 = 1/(3 \cdot \sqrt{2/3}) = 1/\sqrt{6} = 0,4082482$$

$$; a(g) = 0,90 + 0,05 \cdot 0,4082482 = 0,92$$

В работе Ю.Н. Малашкина [3] предлагаются зависимости, позволяющие определить длительную прочность бетона, используя  $R_t^v$ ,  $R_{t,2c}^v$ ,  $R_{t,3c}^v$  (верхняя граница трещинообразования), для одно-, двух- и трехосных напряженных состояний сжатия

$$R_{0,1} = 1,22 R_t^v (1 - 0,04 \lg t)$$

$$R_{0,2c} = 1,22 R_{t,2c}^v (1 - 0,04 \lg t) \quad (5)$$

$$R_{0,3c} = 1,22 R_{t,3c}^v (1 - 0,04 \lg t)$$

В числе исследований, посвященных определению предела длительной прочности бетона, известны работы Н.И.Карпенко и др. [4]. Для ступенчатого нагружения, когда нагрузка прикладывается в течение непродолжительного отрезка времени (в пределах одного часа) и последующей выдержке постоянной нагрузкой в течение времени  $t - t_0$  (такие режимы называются жесткими), длительную прочность предлагается определять по следующей формуле

$$R_b(t, t_0) = R_b(t_0) \cdot [0,95 - 0,0157 \ln(t - t_0)] \quad (6)$$

где,  $R_b(t_0)$  - прочность бетона при одноосном сжатии в момент нагружения  $t_0$ .

Данная зависимость принята в качестве основной формулы, описывающей длительную прочность бетона в [5].

По данным Д.М. Сахиева [6] значения длительной прочности обычного тяжелого бетона составляют 0,75-0,78 кратковременной прочности, а

для мелкозернистого бетона – 0,9-1,0. Различия в длительном сопротивлении разных видов бетона объясняется специфическими особенностями их структуры и различием прочностных и деформационных свойств. Для определения прочности бетона к моменту времени  $t - \tau_1$  загруженного в возрасте  $\tau_1$ , при длительном действии сжимающей нагрузки предлагается зависимость в виде

$$\eta_{be} = A - B \lg \Delta t \quad (7)$$

где,  $A = 0,95$ ,  $B = 0,02$  - для крупнозернистого бетона естественной влажности,  $A = 0,96$ ,  $B = 0,05$  - то же, для мелкозернистого бетона.

Для тяжелого бетона с прочностью 20-30 МПа О.В. Мельниченко [7] предложил зависимость в виде:

$$\eta_{be} = 0,904 - 0,033 \lg \Delta t \quad (8)$$

где,  $\Delta t = t - \tau_1$ .

Снижение сопротивления бетона сжатию в условиях его ползучести при постоянной нагрузке наблюдается при высоких уровнях напряжений, превышающих длительное сопротивление бетона.

Как уже отмечалось выше, по утверждению А.В. Яшина [1], в условиях сложного напряженного состояния снижение долговременной прочности в бетоне происходит по закону, адекватному одноосному сжатию.

С целью выявления пригодности вышеописанных условий для оценки длительной прочности бетонов, а также использования их, в виде единообразной зависимости, был сделан анализ этих зависимостей. Для этого рассмотренные зависимости приводим к одинаковому обозначению

$$\eta_{be} = \frac{R_b(t, t_0)}{R_b(t_0)} = A - B \ln(t - t_0) \quad (9)$$

где,  $\eta_{be}$  - относительный уровень напряжений,  $R_b(t, t_0)$  - длительная

прочность бетона,  $R_b(t_0)$  - прочность бетона при одноосном сжатии в момент нагружения  $t_0$ ,  $A$  - коэффициент, показывающий снижение прочности бетона на первые сутки,  $B$  - коэффициент, отражающий снижение прочности бетона,  $t - t_0$  - длительность действия нагрузки (сут).

Поскольку большинство формул, описывающих длительную прочность бетона, содержат в себе десятичный логарифм, переведем их в натуральный логарифм. Известно,  $\ln x \approx 2,30259 \lg x$

$$\text{следующая (10), } \lg(t - t_0) = \frac{1}{2,30259} \cdot \ln(t - t_0),$$

тогда условия (1) можно написать

$$\eta_{be} = \frac{R_b(t, t_0)}{R_b(t_0)} = 0,92 - 0,0174 \ln(t - t_0) \quad (11)$$

Аналогично перепишем формулы [6] и [7].

Для одноосного сжатия условия (5) напишем в виде

$$\eta_{be} = 1,22 \frac{R_t^v}{R_b(t_0)} \left[ 1 - \frac{0,04}{2,30259} \ln(t - t_0) \right] \quad (12)$$

Согласно данным Ю.Н. Малашкина соотношение  $R_t^v / R_b(t_0) = 0,78$ , отсюда

$$\eta_{be} = 0,95 - 0,0165 \ln(t - t_0) \quad (13)$$

На рис. 1-2 представлен характер изменения длительной прочности тяжелого бетона, определенный при различных условиях. По результатам сравнительного анализа рис. 1-2 следует сделать вывод, что предлагаемую методику [5] можно применять для оценки длительной прочности тяжелого бетона, так как она содержит в себе кроме возраста режимы и времени нагружения образца. Вышеописанные методы оценки многочисленных экспериментальных данных в одних случаях учитывают время приложения





Рис.1. Длительное сопротивление бетона, по данным различных авторов:



1-[5], 2-[1], 3-[6], 4-[3], 5-[7].

Рис. 2. Снижение прочности бетона в первые 2-е суток, по данным различных авторов: 1-[5], 2-[1], 3-[6], 4-[3], 5-[7].

заданной нагрузки, в других случаях – нет. Если исключить время загрузки образца или элемента до заданного уровня, то все методики оценки снижения длительной прочности практически будут совпадать. Учитывая, что в «Пособии по расчету статически неопределимых железобетонных конструкций» принято не только единое условие прочности бетона, но и единый подход к оценке как кратковременных, так и длительных деформаций и учитывается их физическая взаимосвязь, то целесообразно для оценки длительной прочности использовать метод, предложенный в [5].

#### Список литературы

1. Яшин А.В. Теория прочности и деформаций бетона с учетом его структурных изменений и длительности нагружения // Новые исследования элементов железобетонных конструкций при различных предельных состояниях. Сб. науч.тр. /НИИЖБ, 1982. – с. 3-24.
2. Яшин А.В. Деформации бетона при длительном воздействии высоких напряжений и его сопротивление при сжатии // Особенности деформаций бетона и железобетона и использование ЭВМ для оценки их влияния на поведение конструкций: Сб. науч.тр. / НИИЖБ, 1969.-с.38
3. Малашкин Ю.Н., Безгодов И.М. Исследование длительной прочности и деформативности бетона при одно-, двух- и трехосном сжатии // Предельные состояния бетонных и железобетонных конструкций энергетических сооружений. - Л.: Энергоатомиздат, 1987. – с. 216-219
4. Карпенко Н.И., Прокопович И.Е., Мухамедиев Т.А., Петров А.Н., Яременко А.Ф. Учет деформаций ползучести и длительного сопротивления бетона в методике диаграмм-изохрон // Совершенствование методов расчета статически неопределимых железобетонных конструкций. - М.: НИИЖБ, 1987.- с. 66-81.
5. Пособие по расчету статически неопределимых железобетонных конструкций. - М.: Стройиздат, 1990.
6. Сахиев Д.М. Микротрещино-образование, ползучесть и длительная прочность бетонов при сжатии с учетом их макроструктуры и



влажности. Дисс...канд.техн.наук. – М. 1988. – с. 170.

7. Мельниченко О.В. Экспериментальное исследование длительной прочности тяжелых высоко - прочных бетонов при сжатии. Дис...канд. техн. наук. - Киев, 1977. – с. 184.

#### РЕЗЮМЕ

Оғир бетонларнинг узок муддатли сиқилишдаги мустақамлигини баҳолаш услуби бўйича қатор муаллифларнинг ишлари таҳлил қилиниб, умумлашган параметрларни ҳисобга олувчи усулнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган.

#### RESUME

Methods of assessment of long-term durability of concrete in three-axial compression are analysed.

### ХАРАКТЕР РАЗРУШЕНИЯ ОПЫТНЫХ ОБРАЗЦОВ ИЗ ТЯЖЕЛЫХ БЕТОНОВ ПРИ РАЗЛИЧНЫХ НАПРЯЖЕННЫХ СОСТОЯНИЯХ

**Б.Собиров, Р.Нафасов, Х.Р.Ражабов,  
УрГУ**

В работе [1] экспериментально исследованы крупнозернистые и мелкозернистые бетоны при различных вариантах трехосного сжатия. В статье по результатам этих исследований изучены характер разрушения опытных образцов. Разрушение бетона в условиях трехосного сжатия происходит, как правило, в результате постепенного распространения развитых трещин, образующих плоскость разрушения по направлению действия минимального главного напряжения  $\sigma_1$  и наклоненную под некоторым углом к максимальному сжимающему напряжению  $\sigma_3$ .

На характер разрушения образцов большое влияние оказывает вид напряженного состояния и, чтобы картина разрушения была достоверной, необходимо добиваться его однородности, избегать возмущения напряжений в зонах передачи усилий на образец, устранять влияние контактного трения.

Кроме того, на характер разрушения влияет и сам вид бетона, т.е. те компоненты, которые образует бетон: растворная часть (матрица), а также мелкий и крупный заполнитель. Совокупность составляющих бетон компонентов, имеющих различные физико-механические характеристики, обуславливает его существенную структурную макронеоднородность.


Существенная структурная неоднородность бетона представляет собой серьезное препятствие процессу образования, развития и распространения трещин. По мнению А.А. Гвоздева [2], причиной тому являются грубые неоднородности бетона (включения, поры, трещинки), мешающие свободному распространению трещин под нагрузкой, изменяющие характер и траектории их развития благодаря возмущениям поля напряжений и взаимодействию трещин между собой. При этом наличие поля внешних растягивающих напряжений будет способствовать раскрытию и развитию трещин, а поля внешних сжимающих напряжений, наоборот, их закрытию. Именно это и происходит при двух- и трехосном сжатии, когда процесс трещинообразования и его развитие отодвигается благодаря стабилизации напряженного состояния, т.е. его большей однородности и равномерности между отдельными микро- и макрообъемами материала, что и приводит к повышению его прочности.

Крупнозернистый бетон практически всегда представляет собой материал, в котором более твердая составляющая - крупный заполнитель, заключена в мягкую структуру - цементную матрицу. Поэтому в крупнозернистом бетоне на ранней стадии образования трещин крупный заполнитель препятствует их развитию, и чтобы трещине обойти это препятствие, необходимо сообщить дополнительную энергию, т.е. приложить большую нагрузку.

По сравнению с крупнозернистым бетоном, мелкозернистый бетон

представляется более однородным: в нем нет ярко выраженных различий в деформативности и модулях упругости его отдельных микрообъемов. Но при этом существенное значение приобретает наличие пор, качество и крупность песка, контакт между его зернами и цементным камнем.


Отсутствие крупного заполнителя способствует более раннему и быстрому развитию трещин. Большое снижение сопротивления мелкозернистого бетона по сравнению с обычным щебеночным бетоном объясняется его структурными особенностями, вызывающими меньшее сопротивление развитию трещин при разрушении, чем в обычном тяжелом бетоне.



**Рис. 1. Крупнозернистый бетон,**  
 $R_C = 40,74 \text{ МПа}, R_{bt} = 2,612 \text{ МПа}$ .

4-01, 4-02, 4-03 – одноосное сжатие;  
4-04, 4-05, 4-06, 4-07, 4-08, 4-10, 4-11 —  
 $\sigma_3 < \sigma_2 = \sigma_1$ ;

4-12, 4-13, 4-14, 4-15 —  $\sigma_3 < \sigma_2 < \sigma_1$ .



**Рис. 2. Мелкозернистый бетон,**  
 $R_C = 26,6 \text{ МПа}, R_{bt} = 2,7 \text{ МПа}$ .

5-01, 5-02, 5-03 – одноосное кратковременное сжатие; 5-06, 5-07, 5-10, 5-17 – одноосное длительное сжатие; 5-04, 5-05 -  $\sigma_3 < \sigma_2 = \sigma_1$  кратковременное; 5-08, 5-09  $\sigma_3 < \sigma_2 = \sigma_1$  длительное; 5-12, 5-13 -  $\sigma_3 < \sigma_2 < \sigma_1$  кратковременное; 5-12, 5-15, 5-16 -  $\sigma_3 < \sigma_2 < \sigma_1$  длительное.

Как уже отмечено выше, на характер разрушения образца большое влияние оказывает вид напряженного состояния. Разрушение образцов при одноосном сжатии с устранением трения происходит в результате отрыва и представляет собой распад образца на отдельные мелкие части, ориентированные по направлению оси сжатия.

Появление второго сжимающего напряжения ведет к изменению картины разрушения образца. Оно сдерживает образование и развитие трещин по своему направлению, концентрируя их по плоскостям скольжения, наклоненных под некоторым углом к оси действия первого (и большего по величине) сжимающего напряжения и разрушения происходят из плоскости действия сжимающих напряжений. Характер разрушения образцов, полученных в условиях трехосного сжатия, представлен на рис. 1-2.

Как видно из этих рисунков, при трехосном равномерном боковом обжатии ( $\sigma_3 < \sigma_2 = \sigma_1$ ) у всех образцов (в том числе и длительно нагруженных) разрушение имеет менее четкий характер. Наблюдается большое раздробление бетона с образованием системы магистральных трещин, что связано с проявляющейся неоднородностью бетона, а с другой стороны, с равновероятностью появления силовых трещин как в одном, так и в другом поперечном направлении образца.

Разрушение образцов при трехосном неравномерном сжатии ( $\sigma_3 < \sigma_2 < \sigma_1$ ) сопровождается, как правило, их разделением на две части магистральной трещиной. Траектория трещин идут, как правило, под углом  $\alpha$  к направлению максимального главного сжимающего напряжения  $\sigma_3$  (вдоль образца), изменяющихся в пределах от 18 до 35°. Заметим, что не обнаружилась четкая зависимость между величиной этого угла и соотношением главных сжимающих напряжений.

#### Список литературы:

1. Сабиров Б. Прочность, деформации различных бетонов в условиях кратковременного и длительного трехосного сжатия: Автореф. дисс. канд. техн. наук. – М. НИИЖБ, 1990, – 24 с.
2. Гвоздев А.А. Расчет несущей способности конструкций по методу предельного равновесия. - М.: Стройиздат, 1949.- 118 с.

#### РЕЗИЮМЕ

Мақолада оғир бетонларнинг тури ва таркиби ҳар хил бўлиб, кучланганлик ҳолатлари турлича бўлганда намуналарнинг бузилиши таҳлил қилинган.

#### RESUME

In this article the fracture pattern of heavy-concretes depending on structure and sorts in different intensive conditions is analysed.



**КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ**

УДК 633.8.631

**ҲАР ХИЛ МУДДАТДА ЭКИЛГАН  
КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЎСИШИ,  
РИВОЖЛАНИШИ ВА ДОН  
ҲОСИЛДОРЛИГИ****Ф.Болтаев, УрДУ тадқиқотчиси**

Республикамиз ғаллакорлари зиммасига аҳолини дон ва дон маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш вазифаси юклатилган. Бунга эришишда истикболли буғдой навларининг ўрни каттадир.

Биз шуни эътиборга олиб, Хоразм воҳасининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг маҳаллий Санзар-8 ва Россия давлатидан келтирилган Нота навларини экиш муддати, маъдан ўғитларга бўлган талаби ҳамда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб бордик. Тажрибада кузги буғдойни бир хил ЧДНСга нисбатан 70-70-70 суғориш ва уч хил N-150; P-90;K-90, N-200;P-120;K-100, N-240; P-140;K-120 кг/га маъдан ўғитлар бериш тартиби ўрганиб чиқилди. Бунда фосфорни 70% ва калийни 100% шудгордан олдин, фосфорнинг қолган 30% туплаш даврида, яъни азотли ўғитларнинг 40% билан бирга берилди. Азотнинг қолган 60% найчалаш даврида берилди. Шундан сўнг майдон 30-35 см чуқурликда сифатли шудгорланди ва экишга тайёрланди.

Уруғ 4 муддат 1-10 октябрь, 1 ноябрь ҳамда 1 мартда экилди. Тажрибадан маълум бўлдики Санзар-8 ва Нота навлари уруғи октябрнинг 1 ва 10 октябр кунларида экилганда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги қолган муддатларга нисбатан гектаридан 10,5-12,8 центнер кўп дон ҳосили олинди. Бунга сабаб уруғ макбул муддатда экилгани туфайли ниҳолларнинг униб чиқиши тезлашди, қишнинг совуқ кунлари келмасидан олдин, яъни куз ойларидаёқ туплаш даврини ўтаб

улгурди, натижада буғдойнинг маҳсулдор поялар сони кеч экилганга нисбатан кўп бўлди. Шу билан бирга ривожланиши меъёрида бўлиб, бошоқ узунлиги Санзар-8 навида 6,4-7,2 см.ни, Нота навида 7,2-7,3 см.ни, яъни кеч экилган вариантлардагидан 1,3-1,0 см.гача, битта бошоқдаги дон сони 1-10 октябрда экилганда Санзар-8 навида 42,5-38,6, Нота навида 36,6-34,6 дона бўлиб, бу қолган муддатлардан 12,5-4,5 донага, 1000 дона доннинг оғирлиги ҳам биринчи ва иккинчи муддатларда юқори бўлди.

Илмий изланиш натижаларига эътибор берсак тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-70% тартибида суғорилиб, гектарига азот 150 кг, фосфор 90 кг, калий 90 кг қўлланганда Санзар-8 навида умумий поялар 502.6-366.8 м<sup>2</sup>/дона, Нота навида 505.7-388.5 м<sup>2</sup>/дона бўлган бўлса, маҳсулдор поялар Санзар-8 да 455.1-325.0 м<sup>2</sup>/дона, Нотада 462.6-345.0 м<sup>2</sup>/донани ташкил қилди. Худди шу суғориш тартиби аммо гектарига азот 200 кг, фосфор 120 кг, калий 100 кг қўлланганда умумий поялар Санзар-8 навида 526.3-383.4 м<sup>2</sup>/дона, Нота навида 531.5-410.6 м<sup>2</sup>/донани ташкил қилган бўлса, маҳсулдор поялар Санзар-8 да 475.1-345.0 м<sup>2</sup>/дона, Нотада 482.6-365.0 м<sup>2</sup>/дона поялар кузатилган бўлса, азот 240 кг, фосфор 140 кг, калий 120 кг қўлланганда Санзар-8 навида умумий поялар 567.1-399.6 м<sup>2</sup>/дона, Нота навида 577.3-431.7 м<sup>2</sup>/дона бўлган бўлса, маҳсулдор поялар Санзар-8 да 495.2-365.0 м<sup>2</sup>/дона, Нота навида 498.6-385.0 м<sup>2</sup>/дона эканлиги кузатилди.

Бундан кўриниб турибдики, маъдан ўғитлар меъёри кузги буғдойнинг умумий ва маҳсулдор поялар сонига ўз таъсирини ўтказар экан.

Бундан ташқари буғдой ҳосилининг муҳим кўрсаткичларидан бошоқ узунлиги, битта бошоқдаги дон сони, 1000 дона дон оғирлиги бўлиб, ушбу кўрсаткичлар Санзар-8 ва Нота навлари экилганда гектарига азот 240 кг, фосфор 140 кг, калий 120 кг қўлланилиб, гектарига 2600 м<sup>3</sup> сув сарфланганда тегишлича 10.8-7.4 см, 66.3-48.0 дона,

50.2-33.4 г. бўлди. Тажрибада қўлланилган уч хил ўғит меъёри ва бир хил суғориш тартиби кузги буғдой ҳосилдорлигига сезиларли таъсир кўрсатди.

Демак, кузги буғдойни НРКнинг юқори меъёрида, гектарига азот 240 кг, фосфор 140 кг, калий 120 кг миқдоридида қўлланилиб, тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-70% бўлганда, ўсимликнинг озуқа моддаларга бўлган талаби тўлиқ қондирилиши натижасида ҳосил мўл бўлди.

#### РЕЗЮМЕ

В статье приведены данные о влиянии сроков и норм минеральных удобрений на рост и развития озимой пшеницы в условиях Хорезмского оазиса.

#### RESUME

This article includes information about influences of sowing time and measures of mineral fertilizers on growth and development of winter wheat in Khorezm region.

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ЭНТОМОФАГЛАРИ

У.Э.Дўсчанов, И.И.Абдуллаев, УрДУ

Президентимиз И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан етарли равишда таъминлашга алоҳида эътибор берилган. Чунки, аҳолини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, турмуш фаровонлигининг асосий негизларидан бири ҳисобланади.

Шунингдек, кўп йиллардан бери ўсимликларни зараркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишда турли кураш усулларини ягона тизимга бирлаштирган комплекс тадбирларни қўллаш амалга оширилиб келинмоқда.

Яқин йилларгача экинлар зараркунандаларига қарши пестицидлар деб аталадиган органик бирикмалар қўлланилган. Лекин пестицидлар фақат зараркунандаларни эмас, балки фойдали организмлар, жумладан, зараркунандаларнинг кушандаларини ҳам қириб юбориши аниқланган. Оқибатда биоценозлардаги экологик мувозанат бузилади, организмлар сонининг ўз-ўзидан бошқарилиб турилиши издан чиқади. Бундан ташқари пестицидлар атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келади. Пестицидларни одам ва иссиққонлилар организмга овқат ва бошқа манбалар орқали ўтиши, уларни қолдиқларини маълум муддатга сақланиши ва атроф-муҳитга салбий таъсири эътиборга олиниб, пестицидларни қўллаш тактикаси ўзгартирилди.

Дала неъматларидан бўлмиш ғўза ва буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил олиш ҳамда уларга бўлган аҳоли эҳтиёжини қондириш учун бу ўсимликлар ва уларнинг мевасини турли зарарли организмлардан ҳимоя қилиш зарур.

Ғўзага асосан ўргимчаккана, шира битлари ва кўсак курти кучли зарар етказди. Ушбу зараркунандаларнинг, Хоразм воҳаси шароитида унинг биологик ривожланиш хусусиятлари, зарари ва курашиш учун илмий асосланган муддатларини, юқори самара берадиган восита ҳамда усулларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш усулини вилоятимизда кенг қўллаш мақсадида Урганч Давлат университети қошида илмий биологическая лаборатория ташкил этилди. Биологическая янги замонавий ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, турли хилдаги энтомофагларни (олтинкўз, трихограмма ва бракон) кўпайтиришга мўлжалланган. Жорий йилда биологическая ходимлари томонидан Урганч ва Янгибозор

туманларида 4000 гектарга яқин майдонда ғалла ва ғўзани зарарли хашаротлардан ҳимоя қилиш мақсадида фермерларни сифатли биомахсулотлар билан таъминлашга эришилди.

Олтинкўз энтомофаги – личинкаси ғўзадаги трипс, шира зараркунундалари билан бирга ғўза тунлами тухуми ва курти билан озиқланади. Олтинкўз энтомофаги барча экин майдонларида шира, трипс, ўргимчаккана, илдиз курти капалаги тухуми, кўсак курти капалаги тухуми ва майда ёш куртларга қарши ҳар бир гектарига 500-1000 дона микдорида қўлланилди.

Трихограмма – текинхўр–тухумхўр хашарот бўлиб, ғўзани тунламлардан биологик ҳимоя қилишда қўлланиладиган асосий биоагент ҳисобланади. Кузги тунлам ва бошқа тунламларга қарши трихограмма ишлатишдан энг яхши натижа олиш учун тухумхўрнинг биринчи марта чиқарилиши зараркунанда тухум қўядиган пайтга тўғри келиши керак. Трихограмма – илдиз курти ва кўсак курти капалаклари тухумига қарши 1-авлоди учун 1 гектар майдонга ҳар 3-4 кунда 1 граммдан 3 марта далага тарқатилади.

Бракон – кемирувчи зараркунанда–ларнинг катта ёшдаги куртларига қарши курт сонига қараб ҳар бир гектарга 300 донадан 1000 донагача тарқатилади.

Феромонлар – жинсий феромонлар ёки аттрактантлар. Аввал бу моддалар гомотелергонлар, адабиётларда “феромон” деб юритиларди ва турни жалб қилувчи ҳид ёки жинсий феромонлар (грекчадан Pherein – тарқатмоқ ва horman-қўзгатмоқ, кучайтирмоқ) маъносини билдиради. Ҳозирда турли вазифани бажарувчи:

агрегацион ёки тўпловчи феромонлар;

озиқ манбаини ёки жинсий чатиштириш жойини излаш қобилятини аниқлаш;

хавотирлик ёки ҳимоя;

овқат излаш феромонлари;

тартибга солиб турувчи жинсий феромонларга бўлинади.

Ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда жинсий феромонлар ёки жинсий аттрактантлар муҳим аҳамиятга эга.

Урғочилар ҳосил қилган феромонлар асосан эркакларни жалб қилади. Улардан сигнализация ва популяцияси ҳолати устидан назорат ўрнатиш ҳамда зараркунандаларга қарши кураш воситаси сифатида фойдаланилади.

Эркак хашаротларни чалғитиш (дезориентация) участкасини феромон юқори концентрацияси билан тўйинтиришга асосланган бўлиб, эркак зотларни урғочи феромонни қабул қилиш хусусиятига ҳалақит беради ва чатиша олмаган, урғочи қўйган уруғланмаган тухумлар туфайли зараркунанда популяцияси камайиши ҳисобига ҳосил зарарланиши кескин камаяди.

Бундан ташқари жинсий қўшилиш ингибитор (фаолликни секинлаштирувчи)лари ёки антиферомонларни қўллашга асосланган, гектарига 3-5 мл ҳисобида ишлов берилади.

Эрта баҳорда кўсак курти ривожланаётган даврда ўртача битта тузоқга бир кечада 2-3 капалак тушгандан сўнг 5-6 кун ўтгач, иккинчи, учинчи авлодлар ривожланиш даврида 1,5-2,0 капалак тушганда далада ҳар 100 та ўсимликда 2-3 дона кўсак курти капалагини тухумлари пайдо бўлади, кейин ҳар 6-7 кун оралатиб трихограмма юборилади.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Алимұхаммедов С.Н., Хўжаев Ш.Т. Ғўза зараркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1978.
2. Алимұхаммедов С.Н., Адашкевич Б., Адилов З.К., Ходжаев Ш.Т. Биологическая защита хлопчатника. – Тошкент: Мехнат, 1984.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены проблемы эффективности и меры биологической борьбы против основных сельскохозяйственных вредителей.

#### RESUME

Materials about efficiency of biological control of pests of main agricultural crops such as cotton and wheat were given in the article.

УДК: 631.6 + 631.587  
**ЯНГИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ КУЗГИ  
 БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ҚИШГА  
 ЧИДАМЛИЛИГИ**

**Ш.Ю.Кадиоров, У.Қ.Абдурахимов,  
 Н.У.Ҳамраев, Хоразм Маъмун  
 академияси**

Маълумки, кузги буғдой навларининг қишлаб чиқиши кўпгина омилларга, хусусан, ўсимликнинг етарли намлик билан таъминланганига боғлиқ бўлади. Қулай иссиқлик режими бўлганда нормал ривожланади, кучли илдиз тизими ҳосил қилади, етарли миқдорда қанд тўплайди ва натижада қиш ва эрта баҳорнинг ноқулай об-ҳаво шароитига чидамли бўлади. Кун узунлигининг қисқариб бориши билан ҳаво ҳароратининг пасайиши кузатилади. Бу эса, Хоразм вилояти шароитида ўсимлик ўсув даврининг тобора тиним даврига ўтишига имкон беради.

Ўзбекистон шароитида кузги буғдойнинг қишга чидамсизлиги ва нобуд бўлишига асосий сабаблардан бири ўсимликларнинг экстремал омилларига кўникмаганлиги, уларнинг кузги иссиқ ҳарорат давомийлигида ривожланиб кетиши ва иссиқ тупроққа қор тушишида бўлса, айтилган вақтда қорли ва қорсиз қиш кунларида ҳароратнинг кескин ўзгариши ҳам сабаб бўлади.

Одатда ўсимликларни совуқ уриши экинзорнинг сийраклашишига ва ҳосилнинг пасайишига олиб келади. Айниқса уруғлар униб чиқиши даврида ҳароратнинг кескин пасайиши содир бўлган йиллари буғдойни кучли совуқ уради. Баъзи ҳолларда униб чиқаётган қўшимча тупларнинг ҳосил бўлишига салбий таъсир кўрсатади.

Шу боисдан республикамизнинг шимолий ҳудудларидан бири бўлган Хоразм воҳаси тупроқ-иқлим шароитида кузги буғдойнинг маҳаллий Эломон, Ҳисорак, Яксарт, Туркистон, Ғозғон, Дўстлик, Омад, Муфтало, Аср, Ёнбош, Саидазиз, Тамара, Матонат каби янги истиқболли навларнинг қишга

чидамлилиги, агробиотехнологияси, морфо-физиологик ва биокимёвий хусусиятлари ҳамда дон таркибини кимёвий жиҳатдан қиёсий ўрганиш мақсадида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Тажриба далаларига кузги буғдой уруғлари 2011 йил 28 сентябрда қатор оралари 15 см қилиб рендомлаштирилган тартибда экилди. Уруғ суви 21 октябрда 400 м<sup>3</sup>/га ҳисобида берилди. Униб чиқиш 30 октябрдан 7 ноябргача давом қилди. Туплаш бошланиши билан кузда тажриба далалари 25-30 кг/га соф ҳолда азотли ўғит билан озиклантирилди, бунинг натижасида майсалар яхши тупланди ва уларнинг қиш совуғидан талофатсиз ўтишига ёрдам берди. Қайта амал, яъни ўсимликларнинг қишлоқ давридан чиқиши 28 февралга тўғри келди. Баҳорги туплаш даврида суғориш ва озиклантириш 5 март куни бажарилди. Суғориш меъёри 700-800 м<sup>3</sup>/га ни ташкил қилди, суғориш билан биргаликда соф ҳолда 50-60 кг/га ҳисобида азотли ўғитлар берилди.

*1-жадвал. Янги истиқболли кузги буғдой навларининг қишга чидамлилиги*

№	Буғдой навлари	Қишлаб чиққан ўсимлик сони, дона/м <sup>2</sup>	Қишлаб чиқиши, %
1.	Краснодарская-99	310	88,6
2.	Дўстлик	316	90,2
3.	Омад	322	92,0
4.	Матонат	245	70,0
5.	Муфтало	279	79,7
6.	Аср	302	86,3
7.	Ёнбош	275	78,6
8.	Саидазиз	230	65,7
9.	Эломон	281	80,3
10.	Ҳисорак	268	76,5
11.	Яксарт	263	75,1
12.	Туркистон	307	87,7

Фенологик кузатишлардан кўриниб турибдики (1-жадвал), кузги буғдой уруғларининг қишга чидамлилиги даражаси турлича экан. Маҳаллий шароитларда яратилган истиқболли Омад, Дўстлик, Туркистон, Аср ҳамда



четдан келтирилган Краснодарская-99 навларининг уруғлари қишга чидамлилик даражалари юқори эканлигини кўрсатди ва тегишли равишда 92,0%; 90,2%; 87,7%; 86,3%; 88,6% ни ташкил қилди. Кузги буғдойнинг маҳаллий Эломон, Муфтало ва Ёнбош навлари қишга чидамлилик даражаси бўйича оралик ўринни эгаллаб тегишли равишда 80,3%; 79,7%; 78,6% ни ташкил этди.

Барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилишига қарамасдан Саидазиз, Матонат, Яксарт, Ҳисорак навлари барча вариантларда бошқа буғдой навларига нисбатан қишлоқдан яхши чиқа олмадилар ва мос равишда 65,7%; 70,0%; 75,1%; 76,5% га тенг бўлди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, иқлими кескин континентал ва тупроғи турли даражада шўрланган Хоразм воҳаси шароитида кузги буғдойнинг маҳаллий шароитларда яратилган истикболли Омад, Дўстлик, Туркистон, Аср ҳамда четдан келтирилган Краснодарская – 99 навларининг қишга чидамлилик даражаси бошқи навларга нисбатан юқори эканлиги кузатилди.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье приведены сведения о сравнительном изучении зимостойкости новых и перспективных сортов озимой пшеницы на засоленных почвенно-климатических условиях Хорезмской области.

#### RESUME

The article includes the information about comparative study of winter resistance of new and perspective sorts of winter wheat in saline soil-climatic conditions of Khorezm region.

УДК:633.511:531.1

## ЁЎЗАНИНГ БИРЛАМЧИ УРУҒЧИЛИГИ

**Б.И.Мамарахимов, Республика  
қишлоқ хўжалик экинлари бирламчи  
уруғчилиги ва уруғшунослиги  
станцияси тадқиқотчиси**

Ёўзанинг элита уруғларини етиштиришда асосий вазибалар қуйидагилардан иборат:

- а) белгиланган навнинг тавсифномасида кўрсатиб ўтилган барча қимматли хўжалик белгилари ва ўзига хос биологик белгиларини ўзгартирмасдан келгуси авлодларда сақлаб қолиш;
- б) уруғчилик ишларини олиб бориш билан биргаликда навнинг қимматли хўжалик белгилари ва тола сифат кўрсаткичларини янада яхшилаб бориш;
- в) келгуси авлодларда уруғларни касалликлар ва зараркунандаларга чалинмаган оилалардан танлов олиб бориш;
- г) нав софлигини юқори даражада сақлаш;
- д) нав алмаштириш ва нав янгилаш мақсадлари учун уруғларни талаб даражасида кўпайтириш.

Нав янгилаш, яъни пастки авлодларда қимматли хўжалик ва сифат белгилари пасайиб кетган уруғларни олдинги нав тавсифномасида кўрсатиб ўтилган барча қимматли хўжалик белгилари ва ўзига хос биологик белгиларини ўзгартирмасдан юқори сифатли уруғлар билан алмаштириш орқали амалга оширилади.

Элита уруғлари экилганидан сўнг биринчи репродукция уруғларини беради. Биринчи репродукция уруғларини экишдан иккинчи репродукция уруғлари олинади ва ундан кейинги репродукциялар давом этади.

Ўтган асрнинг 30-40-йилларида ёўза уруғчилигида бир қатор камчиликлар мавжуд бўлиб, элита уруғларини етиштириш услубларни яхшилаш учун илмий тажриба маълумотлари етарли

даражада эмас эди. Бироқ элита хўжаликлари иш фаолияти натижалари аста-секин умумлаштириб берилди ва илмий муассасалар тадқиқотларини тўплаб хулосала ва таклифлар берилди. Элита хўжаликлари иш-фаолиятининг кенг тажрибаларини ўрганиб бориш натижасида элита уруғларини етиштириш услубиятидаги камчиликларни аниқлаб боришга ва такомиллаштиришга имкон берди. Юқорида кўрсатиб ўтилган ишлар натижасида 1940 йилга келиб қуйидаги тадбирлар амалга оширилди.

Элита хўжаликларида танловлар сони кўп миқдорда қолдирилган бўлиб, битта нав бўйича якка танлов намуналари 10-15 дона ёки ундан ҳам кўп танлов олиниб қўлда экиш топшириғи берилган эди.

Элита экилган майдонлардан якка танлов асосида танлаб олинган намуналарнинг авлодларини текшириш усули билан оиладаги ўсимликларнинг қимматли хўжалик белгиларини ўртача кўрсаткичларини солиштириш йўли билан сифатига қараб гуруҳларга ажратиб аниқланди.

Қимматли хўжалик белгиларининг ўртача кўрсаткичлари бўйича бундай баҳолашда ижобий белгиларга эга бўлган нафақат ўсимликларни, балки оилаларни аниқлаш қийин бўлди, бу усул навлардаги танлов имкониятлардан фойдаланишни чегарасини камайтирди. Иш сифатини ошириш учун танлаб олинган ўсимликлар ва уруғларни 3-4 мартага қисқартирилди.

Якка танлов намуналарини ва уларнинг авлодларини текшириш оилалар бўйича ўтказила бошланди, яъни биринчи танлов асосида олиб борила берилди. Бу эса тўғридан тўғри барча якка танлов намуналари орқали барча талабга жавоб бермаган оилаларни яроқсизга чиқаришга имкон берди. Бундай тартибди бошланғич намуналар сони камайиб кетмаслиги ҳамда навдорлик пасайиб кетмаслиги учун ҳар йили энг яхши, ҳосилдор, навга хос бўлган иккинчи ва ундан кейинги

репродукциялардан 20-25 % якка танлов намуналари қўшиб берилди.

Элита етиштириш қўлланмасига киритилган ўзгартиришлар элита уруғлари етиштиришни анча арзон ва катта техник ишлардан холи бўлишига имкон берди.

Элита етиштириш услубиятида танлов олиш ва уруғлик материални баҳолаш услубларига ўзгартириш киритилиши билан биргаликда ҳар бир оиланинг хўжалик сифат кўрсаткичларидан тола сифат кўрсаткичи бўйича баҳолаш кучайтирилди. Кўсаклар йириклиги, тола узунлиги ва тола чиқиши (сифат ва миқдор усулида) бўйича синов намуналарини лаборатория таҳлиллари тадбиқ этилди.

Дала шароитида марфологик белги ва хусусиятларини баҳолаш ва синов намуналарини таҳлил қилиш асосида асосий кўрсаткичлари бўйича барча оилаларнинг ўртача кўрсаткичларидан паст бўлган кўрсаткичларга эга бўлган оилалар яроқсизга чиқарилди. Яроқсизга чиқарилмаган энг яхши оилалардан келгусида кўпайтириш учун энг яхши кўрсаткичга эга бўлган ўсимликлардан танлаб олинди.

1944 йилдан бошлаб уруғчилик кўчатзорида ҳар 10 та оиладан кейин (ҳар бир оилани алоҳида қаторга экилган) экиш стандартлари жорий этилди. Стандарт сифатида ушбу элита хўжалигида аввалги йилда етиштирилган айнан шу навдаги элита уруғларидан фойданилди.

Уруғ кўпайтириш кўчатзорида экиш учун стандартларга солиштирган ҳолда барча қимматли хўжалик белгилари бўйича энг ҳосилдор ва энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган оилалардан танлов олинди, уруғлик кўчатзори учун эса энг яхши оилалардаги якка танлов асосида танлаб олинган ўсимликлардан уруғлик пахта терилди.

Оилавий ва якка танлов намуналарини баҳолашда жорий йилдаги дала ва лаборатория таҳлилларидан ташқари аввалги йиллардаги таҳлилларни

хам ҳисобга олинган ҳолда танлов олинди.

Элита хўжаликлари зарур технология асбоб-ускуналари билан жиҳозланди, ҳар бир элита хўжаликлари мудирлари ва лаборантлари таҳлил қилиш услубиятига ўқитилди.

Биринчи репродукция уруғларини етиштириш – элитани уруғчилигида масъулиятли бўғин ҳисобланади. Биринчи репродукция уруғлик экилган майдонларда уруғчилик чоратадбирларидан, одатдаги апробациядан ташқари қийғос гуллаш даврида дала кўриги ўтказилиши ва навга хос бўлмаган ўсимликларни яроксизга чиқарилиши талаб этилади. Шу билан бирга, илгари бажарилганидек ҳосилдорлигидан қатъий назар элита далалардаги экинларни шунга ўхшаш экинлар атрофида тўплаш ўрнига биринчи репродукция экинларини ҳосилдор майдонларга кўчиришга алоҳида эътибор берилди.

1940-1945 йилларда чоп этилган ғўза уруғчилиги бўйича қўлланмада асосий вазифа энг юқори сифатдаги маҳсулот ва энг юқори миқдори назарда тутилди, бунинг учун элита уруғлари юқори агротехника шароитида етиштирилди, авлодни текшириш билан йўли билан якка танлов олиб борилди. Ҳар бир элита хўжалигида қуйидагича кўчатзорлар ташкил этилди. а) 2 гектарли уруғлик кўчатзорига 1500 та якка танлов намуналари 500-700 тагача бошланғич намуналари ва 500 та танлов юқори ҳосилдор майдонлардан олиб экилди. б) 15-20 га майдондаги уруғ кўпайтириш кўчатзорига яроксизга чиқарилмаган оилалардан экилди. Яроксизга чиқарилмаган оилалардан терими бирлаштирилди ва кейинчалик навнинг биринчи репродукция уруғлиги учун тайёрланди.

1951 йилдан 1967 йилга қадар Ўзбекистонда элита уруғлиги етиштириш нав ичида чатиштириш ўтказиш усулида олиб борилар эди. 1950, 1956, 1963 йилларда уруғчилик бўйича йўриқномада асосий қуйидаги учта талаб асосида иш олиб борилар эди: юқори агротехника

шароитида уруғ етиштириш, нав ичида чатиштириш ишлари олиб бориш. 1960 йилда Ўзбекистонда ғўзанинг барча экин майдонларига нав ичида чатиштириш ўтказиш усули билан етказилган уруғлари экилган.

Л.Ф.Колоярованинг 1953-1959 йиллардаги тажрибаларида нав ичида чатиштириш ишлари еттинчи авлодгача олиб борилган, бешинчи авлодгача 6,5 дан 1,4% гача ҳосил кўшилиши кузатилиб, олтинчи ва еттинчи авлодларда камайиши кузатилган.

Йиллар	Авлод	Репродукция	Тафовут, %
1953	F1	-	+6,5
1954	F2	Элита	+5,5
1955	F3	R1	+7,9
1956	F4	R2	+6,8
1957	F5	R3	+1,4
1958	F6	R4	-3,5
1959	F7	R5	-5

Навлар маҳсулдорлиги ва яшовчанлиги, уларни ишлаб чиқаришда самарали ишлатиш муддатлари селекционерлар ва уруғчилар қўллаши мумкин бўлган кўпгина омилларга боғлиқ. Нав ичида яқин қариндошлик бўйича қайта чанглатиш ёки ўзини-ўзига чанглатиш ўсимликлар яшовчанлиги пасайтиради. Ушбу навдаги ўсимликлар ўртасида кўндаланг чанглатиш яшовчанликни оширади.

Ќўза уруғчилигида қўлланилмаган усул бошланғич бўғинда юқори гетерозисини сақлаб туриш ва навлар яшовчанлигини ошириш усули бу нав ичида чатиштириш услуби эди. Ќўза уруғчилигида бошлаб бу услубнинг қўлланилиши гулларни чангчилардан тозалашда қийинчиликлар туғдириши кузатилди ва ўта меҳнат талаб ишлар билан мураккаблашиши оқибатида услуб ривожланмади.

Узоқ йиллар давомида нав ичида чатиштириш услубида толанинг технологик хусусиятига қандай таъсир этиши ҳам аниқ эмас эди.

1951 йилдан бошлаб барча элита хўжаликларида ғўзанинг районлашган

навларининг уэлита уруғликларини кўпайтиришда гулларни чангчилардан тозаламасдан чатиштириш услуги қўлланила бошлади.

Бироқ нав ичида чатиштириш ўтказиш йўли билан ғўзанинг элита уруғларини етказиш усули кўпгина тадқиқотчилар томонидан самарасиз деб топилди, бунга уларнинг яшовчанлик ва ҳосилдорлик ошиши фақатгина иккинчи, учинчи репродукцияга қадар давом этиши қайд этилиши асос бўлди.

Айрим мутахассислар аксарият ҳолатларда паст репродукция ва элита уруғлари бир хилдалиги ҳақида айтиб ўтганлар. Уларнинг таклифларига кўра нав янгилаш 3-4 йилга узайтирилди.

Нав янгилашни бундай узайтирилиши асоссиз бўлди, бу 1957 йилда мамлакатдаги ғўза экинларининг 65% майдони паст репродукция (бешинчи-саккизинчи) уруғлари экилишига сабаб бўлди, бунда кўп майдонларда паст ҳосилдорлик олинди. Бу пайтларда юқори ҳосилдор, сифатли уруғликлар техник мақсадларда мой ишлаб чиқариш заводларида қайта ишланган. Нав янгилаш муддати узайтирилиши билан ғўзанинг нав ичида чатиштириш ва элита ишлари жараёнида толанинг хўжалик сифатлари ва технологик хусусиятлари бўйича навларни яхшилаш самарадорлиги пасайиб кетди. Шунинг учун 1957 йилда Тошкентда ўтказилган пахтачилик бўйича умумлаштирилган илмий сессияда ғўза уруғчилигида аввалги тартибни тиклаш ва беш йиллик схема бўйича нав янгилаш ҳақида қарор қабул қилди.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Александров С. Семеноводства хлопчатника. – М.: Сельхоз. из. дат. 1962.
2. Автономов А.И. Генетика, селекция и семеноводства хлопчатника. – М.: Сельхоз. из. дат. 1938.
3. Кузибаев Ш.С. Оптимизация семеноводства в условиях рынка. – Ташкент, 2005.

#### РЕЗЮМЕ

В этой статье рассказывается об основных задачах возделывания элитных семян и первичной семеноводстве хлопчатника.

#### RESUME

The given article is devoted to the information about the main principles of processing elite and primary seeds of cotton.

УДК:633.12:631.331.21

### ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА УНИНГ ЭЛИТА УРУҒЧИЛИГИ

**Б.И.Мамарахимов, Республика  
кишлоқ хўжалик экинлари бирламчи  
уруғчилиги ва уруғшунослиги  
станцияси тадқиқотчиси**

Республикамызда пахтачилик тармоғи фаол ривожланиб бормоқда ва дунёда пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича олтинчи ўрин эгаллаган ҳолда иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун пахтачиликда жаҳон ва ички бозор аҳволини тизимли ўрганиш, ғўза навларини оқилона жойлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ўта долзарбдир.

Навларни жойлаштиришда маълум бир навнинг мослаштирилган иқлим шароитига, уруғчилик бўйича мавжуд бўлган амалдаги чора- тадбирлага эътибор бермаслик оқибатида кўп навлилик (навлар аралашмаси) ва экилаётган навларнинг нав софлиги пасайишига сабаб бўлади. Бу эса тола сифатининг пасайиши билан бир қаторда иқтисодиётга салбий таъсирини кўрсатиши муқаррар.

Нав жойлаштиришда навларни тасодифан танламаслик муҳим аҳамият касб этиб, навларнинг Давлат реестрига киритилганлигига, истиқболли ёки районлаштирилган навлар қаторига киритилиши билан бир қаторда жойлаштирилган яъни экишга тавсия этилган худудларига эътибор бериш шулар жумласидан ҳисобланиб, узоқ муддатли тусга эга бўлиши талаб этилади. Бу ишлар уруғчиликни меъёрда ташкил этишнинг асосий рағбати ҳисобланади. Шунинг учун кўп навлиликга йўл қўйиш бугунги кундаги уруғчиликда мавжуд бўлган талаб ва



койдаларидан чекиниш ҳисобланади ҳамда навларнинг оммавий нав софлигининг бузилишига олиб келади ва нав янгилашни тўла ҳажмда олиб боришга тўқинлик қилади.

Республикамизда экиш учун тавсия этилган навларнинг экилиш майдонлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун биз 2001-2010 йиллардаги ғўза навларини жойлаштиришни жадвал шаклида таҳлил қилдик (1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, республикамизда 1961 йилдан буён, яъни 50 йилдан ортиқ алмаштирилмасдан экиб келинаётган С-4727 нави “эскирган” ҳисобланади. Охирги йилларда С-9070, Оқдарё-5, Фарғона-5, АН-402, Хоразм-126, С-6530, Армуғон, Шараф-75, Ан-Ўзбекистан-4, Тошкент-6, Юлдуз, Фарғона-3, Бухоро-4, Термиз-24, Термиз-31, С-2609, Бухоро-7, Ан-512 навлари бор-йўғи 3-4 йил давомида экилиб ундан сўнг Давлат реестридаги экиш учун рухсат этилган навлар рўйхатидан чиқариб ташланган.

Шу билан бирга, бу навларнинг ҳар бири бўйича элита-уруғчилик хўжаликлари ташкил этилиб, элита уруғлари ва кейинги репродукциялари етиштирилган. Бу навларнинг элита уруғликлари техник чигитлар ҳисобига ўтказилиб ёғ-мой комбинатларига топширишга мажбур бўлинган. Бу билан кўриниб турибдики уруғчилик ишларини талаб даражасида олиб боришга сезиларли зарар етказилган.

Ҳар бири 200,0 минг гектар атрофида майдонни эгаллаган С-6524, Бухоро-102 навлари ҳамда 120,0 минг гектардан ортиқ майдонни эгаллаган Ан-Баёвут-2, Наманган-77, Бухоро-6 навлари ҳозирда етакчи навлар ҳисобланади. Юқорида кўрсатиб ўтилган навлардан ташқари экилаётган навлар эгаллаган майдони бўйича нисбатан камроқ майдонни эгаллаган ҳолда ҳар бири 100,0 минг гектардан кам бўлган майдонни эгаллайди. Бундан ташқари, 10,0 минг гектардан кам бўлган майдонларда экилиб келинаётган навлар қаторига Чимбой-5018, Хоразм-150, Ан-16,

Гулбаҳор, Андижон-37, Ибрат навлари киритилиб бу навлар бўйича бирламчи элита уруғчилик ишлари олиб борилмақда.

Ғўза навларини жойлаштиришда нав янгилаш самарадорлиги асосан элита-уруғчилик ишларининг сифатига боғлиқ ҳисобланиб яъни элита уруғларининг аввалги етиштирилган намуналарининг бирламчи уруғчилик ишларининг биринчи бўғинларини ўз ичига олган бирламчи уруғчиликни ташкил этишга боғлиқ, буларга бошланғич материални танлаш, уни баҳолаш ва кўпайтириш киради. Маълум бир навнинг ҳосилдорлиги ва унинг толасининг сифат кўрсаткичи белгилари элита ва кейинги репродукцияли уруғлар экилган шароитларда ҳам уруғчилик ишларининг 5 йиллик схемаси асосида тартибли иш олиб бориш давомида ўзгартирмасдан сақлаб қолинади.

Навнинг ёмонлашиши – бу авлодларда қимматли хўжалик ва биологик белгиларининг ажралиш жараёнида ва ҳар-хил ташқи таъсирлар оқибатида мутациялар пайдо бўлиши ҳамда механик ва биологик ифлосланиш билан бирга уруғлар орқали тарқаладиган касалликларга чидамликнинг паса-йиши унинг наслий ўзгарувчанлиги асосида хўжалик-биологик пасайиши жараёнидир.

Навлар бузилишининг сабабларидан бири уларнинг талабдагидан паст агротехника шароитида етиштирилиши деб кўп ҳолларда нотўғри хулоса қилинади. Паст агротехника бошқа ташқи таъсирлар сингари навнинг ирсий бузилишига сабаб бўлмайди. Бироқ паст агротехника шароитида етиштирилган уруғларнинг унувчанлик ва физик сифатларини шакллантириш учун ноқулай шароитлар юзага келади ва бундай уруғлар экилганда навнинг қимматли белги ва хусусиятлари тўлиқ намоён бўлмайди.

Нав тозаллиги юқори бўлган уруғларни етказиш бериш ишлари нафақат навнинг белги ва хусусиятларига боғлиқ балки навнинг селекцион

яратилиш услуги ва уруғчилик ишлари қандай даражада олиб борилиши билан

биргаликда пахтани териб олишда, жинда тозалаш давомида, уруғлик чигитларни

Навлар гуруҳи	Навлар номи	Йиллар бўйича навларнинг амалдаги экилган майдони. минг.га									
		2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
Тезпи- шар навлар	Бухоро-102					6,1	21,8	77,9	147,2	175,9	205,6
	С-9070	26,0									
	Ан Боёвуг-2	180,7	130,5	143,0	151,5	176,9	162,2	186,6	182,8	176,1	163,8
	Наманган-77	73,3	34,2	46,2	46,7	124,1	176,5	122,3	119,4	110,6	103,5
	Андижон-35						5,5	31,5	32,7	34,7	35,2
	С-4727	74,4	49,3	67,7	67,6	76,0	77,9	68,9	58,4	50,4	44,9
	Омад	28,8	32,0	37,9	15,0	15,5	45,8	32,3	52,8	56,4	59,4
	Фарғона-5	12,2									
	Оқдарё-5	37,9									
	Андижон-36						8,2	14,2	14,2	15,0	22,0
	Оқдарё-6	94,0	142,8	161,4	190,7	190,1	100,0	48,0	26,8	26,4	
	Чимбой-3010	2,8	2,0	4,3	5,4						
	Тошкент-6	56,2	30,6	31,3	27,6	36,3	19,7				
	Юлдуз	90,0	19,0	12,0	2,6						
Ўрта- пишар навлар	С-6524	182,2	266,5	244,5	260,7	281,9	292,1	302,5	302,4	302,3	297,8
	Бухоро-6	245,4	286,2	266,7	301,2	276,6	270,6	233,9	194,0	163,0	153,7
	Бухоро-8			8,1	10,2	50,5	50,5	98,2	107,1	117,8	129,0
	Хоразм-127		14,9	33,0	45,1	62,9	54,5	45,0	40,0	32,0	27,0
	Меҳнат			10,3	8,5	17,7	29,4	38,5	40,0	42,0	42,0
	С-6541									5,5	10,5
	Ан-402	21,0	26,4								
	Чимбой5018									5,7	2,4
	Хоразм150									3,3	3,4
	Термиз31	20,3	17,0	16,5	10,3	13,0	14,0	20,0			
	С-6530	38,0	46,3	51,5	20,1						
	175-ф	70,1	68,7	34,6							
	Қарши 8	2,1	6,8	5,2							
	С-2609		51,0	80,4	73,9						
	Шараф-75	4,4	6,7	9,5							
	Армуғон	18,9	25,6	18,0	6,2						
Оққўрғон-2	48,3	68,0	67,4	33,5	22,8	35,3	11,0	6,7			
Гулбаҳор	15,4	22,4	11,0	13,5							
Истик- болли навлар	Ан-16									7,6	12,9
	Султон										10,4
	Дўстлик-2										2,8
	Андижон-37									2,5	5,0
	Ибрат										7,9
	Навбахор2										1,8
	Денов				14,0	8,3	6,8	8,1	9,5	9,5	
	Бухоро7				3,7						
	С-4910				8,8						
Ан-512			26,9	11,6							
Янги навлар	46,9	41,0	40,3	34,4	39,6	41,9	51,7	54,4	53,5	55,3	
жами	<b>1390,0</b>	<b>1387,9</b>	<b>1359,5</b>	<b>1362,3</b>	<b>1391,4</b>	<b>1391,4</b>	<b>1391,4</b>	<b>1391,4</b>	<b>1391,4</b>	<b>1391,4</b>	

1-жадвал. 2001–2010 йилларда навларни жойлаштириши тўғрисида маълумотлар.

ташиш жараёнларида эҳтиёт чоратадбирларини ўз ичига олади.

**Хулоса.** Навларни оқилона жойлаштириш жаҳон бозорида зарур бўлган сифатли пахта толасига бўлган

талабни қондиришнинг асосий тадбирлаиридан бири ҳисобланади ҳамда юқори савияда уруғчилик ишларини ташкил этишга имкон беради.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Хлопкоочистительная промышленность Республики Узбекистан-достижение за период независимости, перспективы и потенциалы развития 1991-2011 г. Проспект Ташкент. 2011.
2. Ғўза уруғчилиги Республика марказининг 2001 йилдан 2010 йилгача навларни жойлаштириш тўғрисидаги ҳисоботлари.

#### РЕЗЮМЕ

В этой статье изложены материалы о возделывании и размещении элитных семян различных сортов хлопчатника.

#### RESUME

This article includes materials about distribution of cotton sorts and its elite seedage.

### ҒЎЗА ДАЛАЛАРИ ТУПРОҚЛАРИ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАРДАН ҲОИДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

**Р.Рўзметов, А.Машарипов,  
Х.Адамова, Ш.Ганжаев, УрДУ**

Хўжаликларда озик моддаларнинг кирим ва чиқим кўрсаткичлари турлича бўлади. Озик моддаларнинг кирими, чиқими ва ўзгариши тўғрисидаги тўлиқ маълумотни қишлоқ хўжалигида уларнинг айланиши кўрсатади. Табиатда озик элементларини айланиши турлича бўлиб, у ўсимлик дунёсига, тупроқларни органик ва минерал моддалар билан таъминланишига ва тупроқдаги ўзгаришига, ёгин-сочинлар миқдорига ва суғориш сувининг сифатига боғлиқ бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалиги экинлари асосий ҳосилини таркибини ташкил этувчи органик моддалар  $CO_2$  ҳисобига вужудга келади. Шунга қарамадан, экинлар ҳосилдорлигини ошириш, асосан, тупроқларни унумдорлигига чамбарчас боғлиқ бўлади. Чунки кўпчилик қишлоқ хўжалик экинлари биринчи навбатда  $CO_2$  га эмас,

балки азот ва бошқа элементларга кўпроқ муҳтож бўлади.

Маълумки, тупроқдаги азот ва бошқа кўплаб кул элементларини чегараси бор, шунингдек уларни фақат озгина қисми ўсимликлар учун яроқли ҳисобланади. Барча экинлар ҳосили билан, маълум миқдорда элементлар олиб кетилади, тупроқда эса, айнан шу элементларни кейинчалик етишмаслиги кузатилади. Буни табиатда азотни айланиши мисолида жуда равшан кўриш мумкин. Шунини унутмаслик керак, эртами-кечми ушбу озик элементлари миқдори шундай ҳолатга келадики, у вақтда бундай тупроқларда ўстирилган ўсимликлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни имконияти бўлмай қолади. Ушбу аччиқ ҳақиқат Республикамизда пахта етиштирувчи хўжаликлар тажрибаларидан маълум. Шунинг учун ҳам, деҳқончилик қилинадиган ерларда тупроқлар унумдорлигини ошириш, озик тенглигини сақлаш ва уларнинг айланишини бошқаришда алмашлаб экишни жорий этиш, дуккакли экинлар ўзлаштирган азотдан ҳоидаланиш ва тупроқда органик моддалар миқдорини ошириш чораларини кўриш зурур.

Ҳаммамизга маълумки, дуккакли экинлар тупроқ таркибидаги чиринди ва азот миқдорини ошириш хусусиятига эга. Тупроқ таркибида чиринди миқдорини ортиши ёки дуккакли экинларни экиш структуранинг тикланишига олиб келади. Аммо Ўзбекистон равнақи учун ғўза экиш ва сифатли ҳосил олиш муҳим аҳамиятга эга. Доимий дуккакли экинлар экиш иқтисодий самара бермайди. Бу эса дуккали экинларни илмий асосланган ҳолда ғўза қатор ораларига экиш усулларини ишлаб чиқишни тоқоза қилади. Бунинг билан биз олиннадиган ғўза ҳосили билан бирга иккинчи ҳосил олишимиз ҳам мумкин. Бундан ташқари тупроқ структураси тикланади ва минерал ўғитлар қўллаш меъёрини қисқартириш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Пахтачилик илмий тадқиқот институти ходимлари томонидан ғўза қатор

ораларига ловия ўсимлиги экилиб унинг тупроқ унумдорлигига таъсири ўрганилганда ловия экилган вариантларда ғўза ҳосилдорлиги назорат вариантларга нисбатан паст бўлиши кузатилди. Олимлар томонидан ғўзанинг қуёш нури билан таъминланиши сиқиб қўйилиши ҳосилдорликни пасайишига таъсир қилувчи асосий омиллари бири деб кўрсатилган.

Бу маълумотлардан кўриш мумкинки, ғўза қатор ораларига тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида бошқа дуккакли экинларни синаб кўриш зарур эканлигини кўрсатади. Биз ловия ўсимлигини ғўза қатор ораларига экиш билан ҳосилдорликка таъсирини синаб кўрдик.

Бунда ғўза ўсимлиги қуёш нури билан таъминланишининг ёмонланиши сезилмади. Ғўзадан 30 ц /га, мош ўсимлигидан 20 ц/ га ҳосил етиштирилди. Дуккакли мош ўсимлигининг кўпчилик тупларида тугунак ҳосил бўлмаганлиги кузатилди. Бунинг сабаби намликнинг кам бўлишида деб топдик. Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, ғўза қатор ораларига дуккакли экинларни экиш технологиясини ишлаб чиқишда маъқбул дуккакли экин танлаш - дуккакли экинлар ғўзанинг қуёш нури билан таъминланишида зарарсиздир.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Туев И.А. Микробиологические процессы гумусообразования. – М., 1989.
2. Мавлонов О.М., Аҳмедов Ф.Х. Тупроқ зоологияси. – Тошкент, 1992.
3. Бобоҳўжаев И., Узоқов П. Тупроқшунослик. – Тошкент, 1995.
4. Стаменко В.Е., Исманов А.Ж. ва бошқалар. Хоразм тупроқлари. – Тошкент, 2003.
5. Белоусов М.А. и др. Методы микробиологических исследований и определения микроэлементов. Ташкент, 1973.
6. Рискаева Х.Т. Азот в почвах зоны хлопкосеяния Узбекистана. – Ташкент, 1989.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены проблемы влияния бобовых культур на увеличение плодородия хлопковых полей и их использования.

#### RESUME

In the article the ideas about the role and efficiency of fabaceous crops in improving soil fertility, and principles of their application were given.

#### ҚУЙИ АМУДАРЁ ХУДУДИДА ТАРҚАЛГАН ТУПРОҚЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

**Р.Рўзметов, К.Йўлдошев,  
А.Машарипов, С.Полвонов,  
Д.Қурбанова, Урганч Давлат  
университети**

Ўзбекистон шимолида Орол денгизи минтақасида юзага келган экологик танглик Ўзбекистон, Марказий Осиё ва бошқа мамлакатлар халқларига экологик хавф солаётганлиги маълум. Орол денгизи минтақаси ёки қуйи Амударё рельеф жиҳатидан аллювиал текислик бўлиб, Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Туркменистоннинг Тошҳовуз вилоятларини қамраб олади. Хоразм вилояти деҳқончилик қилинадиган ерларнинг 72.3-89.7%, майдони Қорақалпоғистон Республикасининг 87.4-93.1% тупроқлари турли даражада шўрланган. Тупроқларнинг шўрланиши асосан NaCl, Na<sub>2</sub>SO<sub>4</sub>, CaSO<sub>4</sub>, CaCO<sub>3</sub>, Na<sub>2</sub>CO<sub>3</sub>, MgCl<sub>2</sub>, MgSO<sub>4</sub>, MgCO<sub>3</sub>, CaCl<sub>2</sub> каби тузлар ҳисобига пайдо бўлади.

Қуйи Амударё минтақаси тупроқларида иккиламчи шўрланиш жараёни юзага келишининг асосий сабаби минерализациялашган грунт сувларининг ер юзасига яқинлигидир. Суғориш сувларининг катта меъёрда ишлатилиши грунт сувлари сатҳининг кўтарилишига сабаб бўлади.

Қуйи Амударё ҳудудида кейинги йилларда тупроқларнинг шўрланиши ва бошқа сабабларга кўра кўпчилик ерлар деярли экин экишга яроқсиз ҳолатга ўтиб қолиши кузатилмоқда.

Шу боисдан шўрланган экин майдонларида юқори ҳосил олиш ва тупроқнинг ижобий структуравий хусусиятларини тиклаш республика кишлоқ хўжалиги олдида турган энг



долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Жаҳон қишлоқ хўжалик амалиётида бу каби муаммоларни ечишда микроорганизмлардан кенг фойдаланилади.


Тупроқ унумдорлиги мураккаб комплексдаги табиат ва инсон омиллари таъсирида шаклланиб, у микроорганизмларнинг фаолияти ва ривожланиши билан ҳам боғлиқдир. Тупроқ микроорганизмлари кучли биокимёвий энергияга эга. Шу сабабли улар унумдорликни ташкил этувчи барча тупроқ хусусиятларини шаклланишида ва бошқаришда иштирок этадилар. Бундай тупроқлар юқори биологик фаолликка, буферликка ўсимликларни касалликларга қарши бардошлилиги, яхши озук, ҳаво, сув, режимларига эга эканлиги билан таърифланади.

Тупроқларнинг экологик ҳолатини билиш билан бир қаторда микробиологик кўрсаткичларини ҳам ўрганиш муҳимдир. Биологик жараёнларнинг таҳлили тупроқ унумдорлигини олдиндан билиш, сақлаш, ошириш ва уни муҳофаза қилиш каби масалаларни самарали бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш учун имконият яратади.

Биз Хоразм вилоятининг чўл зонаси ўтлоқи аллювиал шўрланган тупроқларида тупроқ микроорганизмларининг тарқалишини ўрганиш юзасидан изланишлар олиб бордик.

Изланишлар Урганч туманида жойлашган Урганч Давлат университети ўқув тажриба хўжалиги далаларида олиб борилди. Тупроқ намуналари 2 гектар майдондан шўр ювишдан олдин, шўр ювишдан сўнг ва экиш олдиндан олинди.

1-диаграмма. Шўр ювиш таъсирида тупроқдаги биоген элементлар ва гумус миқдорининг ўзгариши



Агрокимёвий таҳлил учун намуналар умумий услуб бўйича олинди. Микробиологик таҳлиллар учун тупроқ намуналари Е.Ф. Березова (1949) услуби бўйича олиниб, полиэтилен плёнкаларда сақланди ва бир суткадан сўнг таҳлил қилинди. Тупроқдаги чиринди, аммоний, умумий фосфор ва калийнинг умумий миқдори Ўзбекистон Республикаси пахтачилик илмий тадқиқот институти


ҳодимлари томонидан ишлаб чиқилган услублар бўйича аниқланди.

Тупроқдаги микроорганизмлар сони қаттиқ озиқа муҳитларига тупроқ суспензияларини экиш усули билан олиб борилди. Аммонификаторлар МПА, замбуруғлар СА, олигонитрофиллар Эшби, Актиномицетлар КАА муҳитларида ўрганилди. Шўрланган тупроқларда биоген элементлар

миқдорини ўрганиш ернинг унумдорлигини ва биологик активлигини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Биз турли даражада шўрланган тупроқларда биоген элементлардан азот, фосфор, калий ва чиринди (1-диаграмма) миқдорини ўргандик. Тажриба натижаларида шўри ювилган

тупроқларда биоген элементларнинг умумий миқдори камайиши кузатилди. Ҳаракатчан озика элементлар миқдорининг ҳам камайиши кузатилди. Ҳаракатчан озика элементлар миқдори ювилган тупроқларда ҳам кескин камайди (2- диаграмма).


2-диаграмма. Шўр ювиш таъсирида тупроқдаги ҳаракатчан элементлар миқдорининг ўзгариши.



Ҳаракатчан калий миқдори бошқа тупроқларга нисбатан ўртача шўрланган тупроқларда кўпроқ ювилганлиги аниқланди. Худуд тупроқларининг микробиологик таркиби ўрганилганда ҳам шўр ювилган тупроқларда микро-организмлар сони камайиши содир бўлди.

Олигонитрофил микроорганизмлар миқдорининг камайиши сезиларли даражада кўринмади. Шўрланган тупроқлар шароитида Аммонификаторлар миқдори бошқа микро-организм гуруҳларига нисбатан кўп бўлиши, замбуруғлар ва актиномицетлар миқдори кам бўлиши кузатилади (3-диаграмма).

3- диаграмма. Шўр ювиш таъсирида тупроқдаги микроорганизмлар миқдорининг ўзгариши.



### Адабиётлар рўйхати

1. Стаменко В.Е., Исманов А.Ж. ва бошқалар. Хоразм тупроқлари. – Т.: ФАК, 2003.
2. Курбонов Э. Республикадаги суғориладиган ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш. // Суғориладиган бўз тупроқлар унумдорлигини ошириш ва унинг экологик муаммолари. – Самарқанд - 2002.
3. Белоусов М.А. и др. Методы микробиологических исследований и определения микроэлементов. – Ташкент, 1973.
4. Рискаева Х.Т. Азот в почвах зоны хлопкосеяния Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1989.
5. Мишустин Е.Н., Емцев В.Т. Микробиология, М: Колос, 1978.

### РЕЗЮМЕ

На этой статье дана информация об экологии почвы, состоянии плодородности, степени засоления почвы и мерах улучшения экологии почв в результате жизнедеятельности микроорганизмов.

### RESUME

On this article the information on soil ecology, fertility condition, soil salinity degree and influence of microorganisms on improvement of soil ecology is given.

## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ БАРГ САТҲИ РИВОЖЛАНИШИ, ЭКИН ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА ҲОСИЛ СТРУКТУРАСИГА ТАЪСИРИ

Ж.Хаитбоева, Г.Сабилова

### Долзарблиги

Кузги буғдой ҳосилдорлигини оширишга йўналтирилган агротехник тадбирлар орасида минерал ўғитларни қўллаш алоҳида ўрин тутди. Ўсимликларда минерал ўғитларни қўллаш меъёри тупроқ ва иқлим ҳамда бошқа шароит ва омилларга боғлиқ. Бу борада кўпчилик илмий изланишлар бажарилган бўлса-да, баъзи масалалар ҳозирги кунгача тўлиқ ечимини топмаган. Масалан, минерал ўғитларнинг самарадорлиги ҳар бир даланинг шароитига, тупроқдаги озика моддаларнинг микдорига ҳам боғлиқдир.

### Объектлар ва услублар

Илмий изланишлар Хоразм вилоятининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида 2008/09 ва 2009/10 йилларда олиб борилди. Кузги буғдойнинг “Краснодарская-99” нави 250 кг/га меъёрада экилди. РК ли ўғитларнинг микдори азотга нисбатан 1:07:05 нисбатда қўлланилди (1-жадвал). Минерал ўғитлар самарадорлигини аниқлашда вариантларни далада жойлаштиришда такрорлаш, блоклаш ва рендомлаш усулларида фойдаланилди.

Кузги буғдойни асосий ўсув даврлари Фикес бўйича кодлаш усулида белгиланди (Zodaks JC et al, 1974): туплаш -F3, тўла туплаш- F6, найчалаш- F8, байроқча барг ҳосил қилиш- F10, бошоқлаш- F10-1, гуллаш- F 10-5. Ўсимликнинг барг сатҳини (ЎБС) аниқлаш мақсадида намуна 1м<sup>2</sup> дан қирқиб олинди ва портатив совутгич камераларда тезлик билан лабораторияга олиб келинди. Ажратилган барглар LI-COR 3100 ускунадан 2 марта ўтказилиб, ЎБС аниқланди.

Кузги буғдой экиннинг ҳосил структураси вегетация даврининг охирида аниқланди. Бу иш тажрибаларнинг барча вариант ва такрорланишларида бажарилди. Кузги буғдойда ҳар бир бўлинмадан 1 м<sup>2</sup> дан ўсимлик намуналари олинди. Олинган намуналар сояда қуритилгандан кейин 1м<sup>2</sup> дан чиққан умумий биомасса ва бошоқли поялар умумий сони аниқланди (Sayre, 2000).

Тажриба ўтказиш, ўсимлик намуналари олиш «Методика полевых опытов» (Доспехов, 1985) қўлланмасига асосан амалга оширилди.

Тажрибалардан олинган маълумотлар SAS 9.2 дастурида вариацион-статистик таҳлил қилинди.



Тажриба тузилмаси

№	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га			Экишдан олдин, кг/га			Бахорги туплашда, кг/га	Найчалашда, кг/га
	N	P	K	N	P	K	N	N
1	0	0	0	0	0	0	0	0
2	120	85	60	20	85	60	50	50
3	180	125	90	30	125	90	75	75
4	240	170	120	40	170	120	100	100

Натижалар таҳлили

Тажриба натижаларига кўра, минерал ўғитлар меъёрлари ортиб бориши билан ЎБС ортиб борган. Зироатнинг тўла туплаш (F6) ва бошоқлаш (F10.1) ўсув давларида минерал ўғит меъёрлари ортиб бориши

билан ушбу вариантлардаги ЎБС орасидаги фарқ ўртача 0,66; 0,66 (2008-09 йй) ва 1,09; 0,87 (2009-10 йй) м<sup>2</sup>/м<sup>2</sup> бирликка ортиб борганлиги аниқланди. ЎБСнинг энг юқори кўрсаткичи иккала мавсумда ҳам бошоқлаш (F10.1) давларида кузатилди (1-расм).



1-расм. Минерал ўғитлар меъёрларининг кузги буғдой барг сатҳи ривожланишига таъсири

Кузги буғдой дон ҳосили ва ҳосил структураларига минерал ўғит меъёрлари таъсири статистик таҳлил қилинди (3-жадвал). Шунга кўра иккала йилда ҳам минерал ўғит меъёрлари N<sub>0</sub>P<sub>0</sub>K<sub>0</sub> ва N<sub>240</sub>P<sub>170</sub>K<sub>120</sub> қўлланилган вариантларда кузги буғдой дон ҳосили ва ҳосил структуралари статистик жиҳатдан фарқ қилган. Минерал ўғит меъёри N<sub>180</sub>P<sub>125</sub>K<sub>90</sub> ва N<sub>240</sub>P<sub>170</sub>K<sub>120</sub> қўлланилган вариантларда дон ҳосили статистик жиҳатдан фарқ аниқланмади. §Чизиқли ANOVA (LSD Alpha 0.05). Тажриба йиллари ва алоҳида

устунлар бўйлаб бир хил харфга эга сонлар орасидаги фарқ статистик жиҳатдан тасдиқланмаган. Қавс ичидаги сонлар стандарт чекланишни билдиради.

Тажриба йили, вариант ва уларни ўзаро таъсири статистик таҳлил қилинди. Бунда йил ўсимлик қуруқ биомассасига ва 1000 дон оғирлигига, вариант дон ҳосили ва ҳосил структурасига таъсир қилган. Йил ва вариантни ўзаро таъсири фақатгина бошоқ узунлигида аниқланди.



2-жадвал

Минерал ўғитлар меъёрларининг кузги буғдой ҳосилдорлиги ва ҳосил структурасига таъсири

№	Ўғит меъёри, кг/га	Дон ҳосили, т/га	Курук биомасса, т/га	1000 дон оғирлиги, г	Бошоқ узунлиги, см	Бошоқдаг и донлар сони, дона
2008/2009 йй. Мавсум						
1	N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub>	1,45(±0,27) <sup>cs</sup>	3, 2(±0,42) <sup>c</sup>	34,6(±1,7) <sup>c</sup>	6,8(±0,4) <sup>d</sup>	33(±5,1) <sup>b</sup>
2	N <sub>120</sub> P <sub>85</sub> K <sub>60</sub>	2,99(±0,27) <sup>b</sup>	6,2(±0,44) <sup>b</sup>	37,2(±1,2) <sup>b</sup>	7,7(±0,2) <sup>c</sup>	37(±1,2) <sup>a</sup>
3	N <sub>180</sub> P <sub>125</sub> K <sub>90</sub>	5,53(±0,66) <sup>a</sup>	10,5(±0,78) <sup>a</sup>	39,6(±1,5) <sup>ba</sup>	7,8(±0,5) <sup>bc</sup>	39(±2,1) <sup>a</sup>
4	N <sub>240</sub> P <sub>170</sub> K <sub>120</sub>	5,55(±0,36) <sup>a</sup>	11,6(±0,59) <sup>a</sup>	46,2(±0,7) <sup>a</sup>	8,0(±0,4) <sup>ba</sup>	40(±4,4) <sup>a</sup>
2009/2010 йй. Мавсум						
1	N <sub>0</sub> P <sub>0</sub> K <sub>0</sub>	1,80(±0,26) <sup>c</sup>	3,9(±0,9) <sup>c</sup>	36,8(±3,4) <sup>a</sup>	6,9(±0,5) <sup>b</sup>	30,2(±4,1) <sup>b</sup>
2	N <sub>120</sub> P <sub>85</sub> K <sub>60</sub>	2,80(±0,70) <sup>b</sup>	8,5(±0,4) <sup>b</sup>	37,7(±0,7) <sup>a</sup>	8,0(±0,2) <sup>a</sup>	38,7(±4,1) <sup>a</sup>
3	N <sub>180</sub> P <sub>125</sub> K <sub>90</sub>	5,02(±0,70) <sup>a</sup>	10,6(±1,6) <sup>ba</sup>	41,4(±3,5) <sup>a</sup>	8,0(±0,2) <sup>a</sup>	39,3(±2,8) <sup>a</sup>
4	N <sub>240</sub> P <sub>170</sub> K <sub>120</sub>	5,97(±0,81) <sup>a</sup>	12,01(±2,1) <sup>a</sup>	44,1(±5,1) <sup>a</sup>	8,2(±0,5) <sup>a</sup>	41,4(±2,4) <sup>a</sup>
<i>Pr&gt; F: Ўил</i>		0,1801	<0,0001	<0,0001	0,0003	0,0007
<i>Pr&gt; F: Вариант</i>		<0,0001	<0,0001	0,0006	<0,0001	<0,0001
<i>Pr&gt; F: Ўил x Вар</i>		0,3417	0,3177	0,3435	0,0014	0,4046

#### Адабиётлар рўйхати

- Zodaks JC, Chang TT, Konzak CF. A decimal code for the growth stages of cereals. Weeds Res, 1974. - p. 414-415.
- Sayre KD, Managing the wheat crop. IN: wheat improvement and production . Rome, Italy, 2000.
- Дослехов Б.А. Методика полевых опытов. - М.: Агропромиздат, 1985. - 248-255 с.

#### РЕЗЮМЕ

Во время эксперимента максимальная листовая поверхность озимой пшеницы наблюдалась в стадии колошения. Было отмечено, что при применении минеральных удобрений в соотношении N<sub>180</sub>P<sub>125</sub>K<sub>90</sub> и N<sub>240</sub>P<sub>170</sub>K<sub>120</sub> статистических различий в производительности зерна и её структуре не существовало. Эксперименты проведенные в 2008/09 и 2009/10 гг. показали, что различия в производительности зерна на различных вариантах составила в среднем 1,7; 1,5 т/га.

#### RESUME

During the vegetation the top LAI was determined at the stage of booting. The statistical difference between the grain productivity and its structure was not observed at the treatments at application of mineral fertilizers in the correlation of N<sub>180</sub>P<sub>125</sub>K<sub>90</sub> and N<sub>240</sub>P<sub>170</sub>K<sub>120</sub>. The difference in grain productivity at different treatments made up in average 1,7; 1,5 t ha<sup>-1</sup> during 2008/09 and 2009/10 experimental years.

УДК: 633.111.1:633

### ХОРАЗМ ВОҲАСИ ШАРОИТИДА КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИ УРУҒЛАРИНИНГ УНУВЧАНЛИГИГА ҲАРОРАТНИНГ ТАЪСИРИ ВА МАЙСАЛАРИНИНГ ЎСИШ ЭНЕРГИЯСИ

Н.У.Ҳамраев, Хоразм Маъмур  
академияси стажёр – тадқиқотчи –  
изланувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон халқи га янги 2012 йил табригида деҳқон ва фермерларимизнинг фидойи меҳнатларига юксак баҳо бердилар ва 2011 йилда 6 млн. 800 минг тонна ғалла маҳсулотлари етиштирилганлигини мамнуният билан таъкидладилар.

Республикамизнинг суғориладиган майдонларида экилаётган районлаштирилган ва истиқболли буғдой навларининг потенциал ҳосилдорлиги гектарига 60–70 ц. ни ташкил қилади, лекин шўрланган тупроқлар шароитида етиштирилаётган бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлиги нисбатан пастлигича қолмоқда.

Иқлими кескин континентал ва тупроғи турли даражада шўрланган Хоразм воҳаси шароитида кечпишар буғдой навларининг дон етилиши даврида ҳаво ҳарорати юқори бўлиши ҳамда шўрнинг юқорига кўтарилиши ҳисобига маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мослашмаганлиги сабабли мажбуран пишиши натижасида дон тўлик пишмаслигига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун республикамизнинг ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароити учун мос, юқори ҳосилли, дон сифати яхши, экстремал шароитларга, касаллик ва ётиб қолишга чидамли бошоқли дон экинлари навларини танлаш, жойлаштириш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйиш бўйича олимларимиз олдида тегишли вазифалар қўйилди. Бугунги кунда чет эл селекция усули билан етиштирилган Краснодарская-99, Крошка, Половчанка, Москвич каби навлар Хоразм вилояти шароитида асосий буғдой майдонларини эгаллаган.

Шу боисдан республикамизнинг шимолий ҳудудларидан бири бўлган Хоразм воҳаси тупроқ-иқлим шароитида юқоридаги кузги буғдой навларининг физиологияси ва биокимёвий хусусиятларини мукамал ўрганиш мақсадида 2010 йилда Хива тумани Р.Мадаминов номли фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал тажриба базасида илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Тажриба ўтказиш учун ажратилган дала тупроғи эскидан деҳқончилик қилиб келинаётган, ўртача шўрланган, механик таркиби энгил қумоқ ва ўртача қумоқ бўлиб, воҳада кенг тарқалган тупроқлардан ҳисобланади. Тажриба даласи тупроғининг ҳайдов қатламида чиринди миқдори 0,87%, шудгор ости қатламида (30-50 см) 0,78%, умумий азот ҳайдов қатламида 0,11%, ҳайдов ости қатламида 0,09%, умумий фосфор миқдори ҳайдов қатламида 0,13 %, ҳайдов ости қатламида 0,11%, карбонатлар миқдори ҳайдов қатламида 4,3%, ҳайдов ости қатламида 5,1%ни

ташкил қилади. Тажриба даласини танлаш ва тажрибаларни ўтказиш, тупроқ ва ўсимлик наъмуналарини олиш, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш фазаларини фенологик кузатиш ва ҳосилни йиғиб олиш ЎзПТИ (СоюзНИХИ, 1963, 1977) услублари ва Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти тавсиялари асосида олиб борилди.

Маълумки, экиш жараёнида шароит ва муддатларни тўғри танлаш уруғларнинг қийғос униб чиқишини таъминловчи омил бўлиб ҳисобланади. Шуни кўзда тутиш лозимки, уруғ тушган тупроқ қатламида унинг униб чиқиши учун иссиқликдан ташқари яна етарли миқдорда намлик ҳам бўлиши керак. Ҳарорат ўсимликлар ҳаётида интеграл омиллардан бири бўлиб, барча физиологик жараёнлар – фотосинтез ва нафас олиш, ўсиш ва ривожланиш, сув алмашинуви ва минерал озикланиш, кўпайиш ва таъсирчанлик унга боғлиқ бўлади. Шу боис ўсимликларга ҳароратнинг таъсири қадимдан ўрганилиб келмоқда. Илмий адабиётда ҳарорат таъсирида ўсимликларнинг морфологик ва физиологик-биокимёвий ўзгаришлари тўғрисида жуда кўп маълумотлар тўпланган. Аммо экстремал ҳароратнинг ўсимликларга таъсири механизмлари ҳақидаги масала ҳали ечилгани йўқ. Шу боисдан биз кузги буғдойнинг Краснодарская-99, Крошка, Половчанка, Москвич навлари уруғларининг унувчанлиги ва ўсиш энергиясига ҳароратнинг таъсирини ўргандик.

1-жадвал. Кузги буғдой уруғларининг унувчанлигига ҳароратнинг таъсири

№	Буғдой навлари	Унувчанлик, %				
		8°C	10°C	15°C	18°C	21°C
1	Краснодарская-99	31	58	92	100	100
2	Крошка	22	45	83	98	100
3	Половчанка	26	51	90	100	100
4	Москвич	20	39	78	96	100

Эслатма: уч такрорликнинг ўртача кўрсаткичлари келтирилган.

Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган. Бу маълумотлардан кўришиб турибдики, кузги буғдой уруғларининг унувчанлигига хароратнинг таъсири турлича экин: харорат ошган сари уруғларнинг униши ҳам тезлашди.

Кузги буғдойнинг Краснодарская-99, Половчанка, Крошка ва Москвич навлари уруғларининг деярли барчаси 18<sup>0</sup>С да униб чикди. Ҳарорат 21<sup>0</sup>С га етганда эса унувчанлик 100 % ни ташкил қилди.

Майсаларнинг дастлабки давридаги ўсиш тезлиги уларнинг ўсиш энергиясига боғлиқдир. Шу боисдан ўрганилган кузги буғдой майсаларининг ўсиш энергияларини ҳам аниқладик.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, кузги буғдойнинг Краснодарская-99 ва Половчанка навлари майсаларининг ўсиш энергияси Крошка ва Москвич навлари уруғларидан ўсган майсаларига нисбатан юқори эканлиги кузатилди.

#### 2-жадвал

Кузги буғдой майсаларининг ўсиш энергияси

№	Буғдой навлари	Майсаларнинг бўйи, см		
		4-кун	6-кун	8-кун
1	Краснодарская-99	2,1	4,6	6,7
2	Крошка	1,8	3,7	5,8
3	Половчанка	2,1	4,4	6,2
4	Москвич	1,6	3,1	5,4

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, иқлими кескин континентал ва тупроғи турли даражада шўрланган Хоразм воҳаси шароитида кузги буғдойнинг Краснодарская-99 ва Половчанка навлари уруғлари унувчанлигига хароратнинг таъсири ҳамда майсаларининг ўсиш энергияси Крошка ва Москвич навларига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Атабаева Х., Қодирхўжаев О. Ўсимликшунослик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.
2. Княгиничев М.И. Биохимия пшеницы. – М.: Селхозгиз, 1951. – с. 192.
3. Останақулов Т.Е. Селекция ва уруғчилик асослари. – Тошкент: Талқин, 2004.
4. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилган навларнинг тавсифи. – Тошкент, 2006, 334 б.
5. Қурбонов Ғ.Қ. Донли экинлар уруғшунослиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980, – Б. 97 - 103.

#### РЕЗЮМЕ

В этой статье приведены данные об энергии прорастания зерна и влиянии температуры на всхожесть семян интродуцированных сортов озимой пшеницы.

#### RESUME

This article contains information about the energy of wheat growth and the effect of temperature on seed germination of alien winter wheat sorts.

**ТАРИХ****ХИВА МИНОРАЛАРИ ВА  
УЛАРНИНГ БАДИИЙ  
БЕЗАТИЛИШИ****М.С.Абдуллаев, ЎзР ФА СИТИ  
тадқиқотчиси, Р.Отаниёзова, талаба**

Миноралар – ўрта асрларнинг энг баланд иншоотлари ҳисобланади. Минора бу - арабча сўз бўлиб, аслида мезона – азон айтиладиган жой маъносини билдиради. Миноралар қуриш Ўрта Осиёда араблар босқинидан кейин кенг тарқалган. Лекин исломгача ҳам миноралар мавжуд бўлган. Абу Райҳон Беруний “Осор ул боқия” асарида африғийларнинг 25 метрли миноралари ҳақида маълумот беради. Миноралар уч хил вазифани бажарган: 1) азон айтиш; 2) кузатув, назорат; 3) мўлжал олиш.

Исломгача қурилган миноралар кузатув, назорат ва мўлжал олиш мақсадларида қурилган. Шу жиҳатдан минораларни давлат бинолари (кузатув, назорат), жамоат бинолари (мўлжал олиш) ва диний иморатлар сирасига (азон айтиш) киритиш мумкин. Биз қурилиши ва тарқалиши жиҳатидан сўнги даврларга оид бўлгани ва асосан масжид ва мадрасалар қошида жойлашгани учун диний иморатлар гуруҳига киритдик. Миноралар қурилиш услуби жиҳатидан анча мураккаб иншоотлар ҳисобланади. Одатда миноралар пишиқ ғиштдан, кам ҳолларда хом ғиштдан бунёд этилган. Ғиштлар квадрат шаклида бўлиб, мавжли ёки оддий шаклда терилган. Минора қурилишидан олдин жой таркиби ўрганилган. Ҳар бир ҳудуд миноралари ўзига хос шаклда бунёд этилган. Бугунги даврда Хоразмда Хивадан бошқа шаҳарларда қадимий миноралар сақланмаган. Республикамизда Бухоро, Сурхондарё вилоятларида қадимий миноралар сақланган. Қўхна Урганч шаҳрида XII асрга оид Қутлуғ Темур минораси сақланган.

“Бу ерда гумбазли жамоат бинолари, текис томли турар жойлар ҳамда баланд тик миноралар бир-бири билан уйғунлашиб кетган”<sup>1</sup> Дарҳақиқат эртақнамо Хива шаҳрида меъморий обидалар кўп ва яхши сақланиб қолган. Жумладан ҳозирда Хивада 15 та катта кичик миноралар сақланиб қолган. Хивадаги миноралар қурилиш услуби жиҳатидан Қўхна Урганч минорасига ўхшаб кетади. Хива миноралари ўзининг динамикавийлиги, юқорига томон кескин торайиши, безалиши билан бошқа ҳудудлардаги миноралардан фарқ қилади. Миноралар конус шаклда юқорига томон торайиб борган ҳолатда қурилади. Энг юқорисига ўзига хос фонуссимон гумбаз ишланган. Ҳар жой ҳар жойда кичик туйнуклар қўйилган бўлиб, улар орқали минора ичига ёруғлик тушган. Юқори қисмида дарчалар бўлиб, уларга ганчкор панжаралар ўрнатилган. Баландлиги ва безалиши турлича. Айримлари кошин билан безалган. Миноралар ичида айланма зина бўлиб, у орқали юқорига чиқилган.

“Шарқдан Ҳазорасп дарвозадан Ичон қалъа орқали ғарбга қараб қатор терилган миноралар шаҳарнинг асосий мужассамотини ташкил қилади. Полвон Қори, Саид Шоликорбой, Жума, Калта минор ва Шайх Қаландар бобо миноралари бир ўқда жойлашган”<sup>2</sup>. Хивадаги барча минораларга ҳам кошин майоликалар билан бадиий безак берилмаган, кошинкорлик қўлланилган айрим миноралар ҳақида тўхталиб ўтамиз:

Муҳаммад Аминхон минораси халқ ичида Кўк минор ёки калта минор номи билан шуҳрат қозонган. Ота дарвозадан киришда ўнгда Муҳаммад Аминхон мадрасасининг шарқий бурчагида жойлашган. Асосига кўра Ўрта Осиёдаги энг баланд минора бўлиши лозим эди (70-80 м). Муҳаммад Аминхон (1845-1855) мамлакатда ўз мавқеини мустаҳкамлаб

<sup>1</sup> Хива – минг гумбаз шаҳри. – Тошкент, 1997. – Б. 68.

<sup>2</sup> Ноткин И.И. Минарети Хивы. – Ташкент, 1978. – с 6.



олгач, 1852-55 йилларда хонликдаги энг катта мадрасани қурдирган. Ривоятларга кўра минора ҳам жуда баланд бўлиб, ундан Бухоро амирлиги кўриниши лозим эди. Аммо 1855 йил хон эронликлар билан курашда ҳалок бўлган ва қурилиш тўхтаб қолган. Минора асосининг диаметри 14.2 м, ҳозирги ҳолатдаги баландлиги 26 м. Оқ, яшил ва феруза рангли кошин билан безатилган. Минорада асосан геометрик нақшлар (гирех) кўп қўлланилган. Узоқдан кўм-кўк бўлиб кўзга ташлангани учун халқ ичида Кўкминор деб ҳам аталади. Минорага тушган инсоляция (куёш нурларини тушуши ва синиши)га қарайдиган бўлсак минорадаги кошинларнинг ранги ўзгармайди. Чунки куёш нури ҳар қандай жисмни рангини ўзгартиради, яъни оқартиради ёки очик тусга киргизади. Бу ҳолат минорада сезилмайди. Мана қанча вақт ўтган бўлса ҳам худди янги қурилгандай сақланиб турибди<sup>3</sup>.

Жума масжид минораси. Ота дарвоза ва Полвон дарвозани боғловчи кўча марказида Жума масжиднинг шимолида жойлашган. Масжид қайта қурилган 1788 йилда бунёд этилган. Пишиқ ғишдан ортикча ҳашамсиз қурилган. Айрим жойларида кошинлардан белбоғ шаклида безак берилган. Асосининг диаметри 6.2м, баландлиги 32.5м.

Ислом хожа минораси бугунги кунда Паҳлавон Маҳмуд мақбараси билан биргаликда Хива шаҳрининг рамзига айланган. Аънанавий услубда Ислом хожа томонидан 1908-1910 йилларда шу номли мадраса қошида қурилган. Хоразмдаги энг баланд ёдгорлик ҳисобланади. Асосининг диаметри 9.5 м, баландлиги 44.6 м. Минора қадимий услубда бунёд этилган бўлсада, ўша давр рус-европа меъморчилиги таъсири сезилиб туради. Юқори қисмида жуда ҳам ингичкалашиб, тепаси бежирим карниз ва гумбазли

фонус билан тугалланган. Минора юқориси яшил, зангори, ложувард ва оқ рангдаги сиркор ғиштлар билан қопланган. Кошинлардан бир неча жойидан ҳалқасимон шаклда безак берилган. Минорани уста Худойбердиқожа қурган. Миноранинг кошин безакларини Эшмуҳаммад Худойбердиев ишлаган нақшлар асосида Хонқанинг Мадир қишлоғидаги усталардан Болта Ваисов ва Мадаминовлар ишлаганлар.

Миноранинг юқори қисми жуда ингичкалашиб, тепаси бежирим карниз ва куббали фонус билан тугалланган. Фонус юзаси турли шаклдаги сопол-ғиштчалар билан ҳошияланган, уларнинг ораси эса ранг-баранг сиркор кошинлар билан тўлдирилган. Фонус ва карниз яшил-зангори, ложувард (мовий) ва оқ рангдаги сиркор ғиштчалар билан қопланган. Шунинг учун ҳам миноранинг юқори қисми алоҳида бўлиб ажралиб туради. Сиркор безакли ҳошиялар миноранинг конус шаклидаги танасини бир неча жойидан ҳалқасимон доира қилиб айланган. Мана шуларни ҳисобга олган қариялар “Хўжани минорасида тўрт фаслни ва ўн икки ойнинг безаги бор” – деб айтадилар. Миноранинг оддий ва аниқ формасида, безакларида Хива меъморчилигига кириб келаётган янги услуб иншоотларини кўриш мумкин. Ўша даврдаги Хива меъморчилигига хос хусусиятлар қурилган янги типдаги бинолар-почта, телеграф, янги услуб жадидлар мактаби ва касалхонани тузилишида ўз ифодасини топган. Усталар қадимий конструкция ва безак усуллари билан бир қаторда русча ғишт териш, янгича шаклдаги равоқ ва томларни, ушбу биноларни қуришда қўллашган. Миноранинг қурилиши муносабати билан шоир Ниёзий 48-мисралик шеърини тарих битган, худди шундай 47 мисралик шеърини тарих мадраса қурилиши учун ҳам битилган. Бу тарихлар мрамарга уста Худойберган Девон томонидан ўйиб ёзилган ва мадраса эшиги устига, миноранинг ердан ўн метр баланд жойига ўрнатилган. 1924

<sup>3</sup> www.xorazm.uz

йилнинг январида Хивани Жунаидхон қамал қилганда минора тепасидан душманнинг шаҳардан ташқаридаги ҳаракатлари кузатилиб турилган. Миноранинг тепасига ўрнатилган 2,5 метрлик қубба патал (бронза, латун ва мис аралашмаси)дан ишланган. Бу металлдан ишланган қубба маълум бир вақтгача тилладек ялтираб турган. Минора қуббаси Хива шахрининг 2500 йиллик тўйи арафасида қайта таъмирланиб, тилла қатлам билан қопланди. Баландлиги 24 м, асосини диаметри 4.5 метр бўлиб, пишиқ ғиштдан қурилган. Ҳозирда Саид Шоликорбой минораси бир томонга оғган бўлиб, Хоразм Маъмун академияси олимлари уни асл ҳолига келтириш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье приведены информации об истории и художественных узорах минаретов построенных в городе Хиве.

#### RESUME

The article includes information about minarets of Khiva, their history and art decoration.

### АНТИК ДАВРДА ХОРАЗМ МУДОФАА ТИЗИМИ ВА МУДОФАА ҚУРОЛЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

**М.Матякубова, УрДУ тарих кафедраси  
доценти**

Ўзбекистон ҳудудида илк давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни тўғрисида манбаларда келтирилган маълумотлар таҳлил қилинганда, дастлабки давлатлар алоҳида маконлар ёки илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар ва суғориш тизими майдони билан чегараланган, нисбатан кичик ҳудудда, яъни зич ўзлаштирилган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланиладиган қадимги суғорма деҳқончилик воҳаларида пайдо бўлган. Бу ҳақда тадқиқотчи Ў.Абдуллаев

ўзининг “Ўрта Осиёда қадимги бошқарув тизими ва илк давлатчилик тарихшунослиги” монографиясида бундай воҳалар аҳолиси учун ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, маконлар ва манзилгоҳлар ҳудудини мудофаа қилиш, суғориш ва деҳқончилик ишларини ташкил этиш, жамоанинг ички ва ташқи алоқаларини бошқариб туриш масалаларини ечиш муҳим ва ҳаётий зарурат эди. Бу вазифаларни ҳал қилиш мақсадида, у ёки бу кўринишдаги ишларни (кенг кўламдаги қурилиш ва суғориш учун сувни тарқатиш устидан назорат қилишни, жамоадаги диний урф-одатларни бажаришни, баҳсли масалаларни ҳал қилишни ва бошқаларни) ташкил этиш учун жамият жамоадаги ҳурматга эга бўлган кишилар - йўлбошчиларни юзага чиққанлиги тўғрисида ёзади.<sup>4</sup> Ёзма манбаларда Ўзбекистоннинг милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярмига оид тарихи бўйича маълумотлар қисман ёритилган. Ўзбекистон тарихига тегишли “Авесто”, аҳамонийлар даври миҳсимон ёзувлари ва қадимги дунё (юнон-рим) илк ёзма манбалари қадимги Шарқ ва дунё тарихида биринчи бўлиб ўлкамиздаги элатларнинг, алоҳида жойлар, тоғлар, дарёлар ва кўлларнинг, афсонавий қахрамонлар ва подшоларнинг номларини, аҳолининг турмуши, дини, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузуми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Бу манбалар тўлиқ бўлмаганлиги учун қадимги иқтисодий ва сиёсий жараёнларни ўрганишда ёзма ва археологик манбаларни бир-бирига солиштириш зарурати келиб чиқади. Археологик маълумотлар ёзма манбаларни кенгайтириб, тарихий тараққиётнинг аниқ йўналишларини кўрсатади.<sup>5</sup>

<sup>4</sup> Қаранг: Абдуллаев Ў. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув тизими ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Академия, 2009.

<sup>5</sup> Сағдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. – Тошкент: Университет, 2004. – Б 32.

Милоддан аввалги VI аср ўрталаридан Хоразм воҳасини урбанизация жараёни қамраб олиши натижасида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлари ривожланишида чуқур ўзгаришларга олиб келди, бу эса ўз навбатида шаҳарсозлик ва давлатчилик асосларининг вужудга келишига асос бўлди.<sup>6</sup> Хоразм ҳудудига кўшни қабилаларнинг ҳарбий хавфи сак-массагет қабилаларининг ҳарбий иттифоқини вужудга келтирди. Милоддан аввалги VI – V асрларда Хоразм воҳасида пухта ишлаб чиқилган режалаштириш асосида такомиллашган мудофаа тизимига эга бўлган шаҳарлар бунёд этилган. Кўзалиқир, Қалалиқир, Ойбуғирқалъа, Хива, Бозорқалъа, Ҳазорасп аввал пухта ишлаб чиқилган режа асосида қурилган.

Узоқ йиллар илмий тадқиқот ишларини олиб борган Қурбонбой Собиров ўзининг “Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари” китобида Кўзалиқир, Қалалиқир баландликда кўчманчилар билан чегарада қурилган ҳарбий чегара вазифасини бажариб, Хоразм воҳасини ғарби-жанубий томонидан кўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилиб турган. Бундай ҳимоя вазифасини Ойбуғирқалъа, Хива жануб томонда эса Ҳазорасп қалъалари мудофаа вазифасини бажарганлиги тўғрисида ёзиб қолдирган.<sup>7</sup>

Хоразмнинг қадимги давр шаҳарларининг режалаштирилиши Сўғд, Фарғона, Бактрия ва Марғиёна шаҳарлари қурилишида қўлланилган усулга ўхшайди. Айлана ва тўғри бурчакли шаклдаги буржлар Хоразм воҳасидаги шаҳарлар тарихида энг қадимгиси ҳисобланади. Кўзалиқир,

Хива, Бактрияда Ҳайитободтепа, Фарғона водийсидаги Эйлатан шулар жумласидандир. Хоразм қадимги давр шаҳарлари мудофаа тизимида етакчи ҳимоя услубларидан бири буржлардир. Хоразм шаҳарлари мудофаа тизимида уч хил шаклдаги буржлар қурилиши амалга оширилган, ярим айлана, тўғри тўртбурчак, квадрат. Девор ва буржлар шахмат усулда қўйилган, тўғри бурчакли шинакларга эга. Қадимги давр шаҳарлари мудофаа тизимида шинаклар алоҳида ўрин эгаллайди. Шаҳар мудофаасида қатнашган жангчи йўлакнинг маълум бир белгиланган жойида туриб, уч шинак орқали душманга зарба бериш имконияти бўлиб, фаол ҳужумни олиб бориш билан бирга, мудофааси ожиз жойга тез етиб бориш имконияти бўлган.<sup>8</sup>

Хоразм қадимги давр шаҳарлари мудофаа тизимидаги энг муҳим элементлардан бири дарвоза олди мураккаб иншооти эди. Мил.ав.VI асрдаёқ хорасмийлар дарвозага алоҳида эътибор бериб, дарвоза олди ҳимоясини йўлга қўйганлар. Милоддан аввалги VI – V асрларда қурилган Хоразм шаҳарларининг мудофаа тизими актив мудофаага асосланиб пиёда ва отлик аскарлар зарбасига мос ҳолда қурилган бўлиб, шаҳар аҳолиси ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган.

Хоразмда милоддан аввалги VII-VI асрга мансуб катта суғориш иншоотларининг излари Амударёнинг ўрта ва қуйи оқими ерларида жойлашган Хоразм давлати ҳудудидан милоддан аввалги VII асрнинг охири V асрга оид кўпдан-кўп уй – кўрғонлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари топиб текширилган. Қадимги Хоразм шаҳар марказларидан бири Кўзалиқир мудофаа деворларининг тузилиши билан Бактриядаги Қизилтепа шаҳар деворларининг тузилишида анча ўхшашликлар бор. Бу эса Хоразм, Марғиёна, Сўғдиёнада бир-бирига яқин

<sup>6</sup> Аскарлов А. Қадимги Хоразм тарихига оид баъзи бир масалалар. Илмий тўплам. Ўзбек этнологияси: янгича қарашлар ва ёндошувлар. – Тошкент, 2004.

<sup>7</sup> Қаранг: Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. – Тошкент: Фан, 2009.

<sup>8</sup> А.Аскарлов Қадимги Хоразм тарихига оид баъзи бир масалалар. Илмий тўплам. Ўзбек этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Тошкент, 2004.

маданиятлар ривож топгани ҳақида далолат беради.<sup>9</sup>

Қурол-аслаҳаларнинг такомиллашиши бронза даври билан боғлиқ бўлиб, жамиятдаги ҳарбий ҳаракатлар, босқинчилик, зўравонлик, босиб олиш, бойлик тўплаш, ҳудудларни кенгайтириш каби тушунчалар билан таниш эканлигини исботлайди. Милоддан аввалги I минг йиллик бошларида қабилалар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашиши янада кучайди. Мудофаа ва ҳужум билимида турли услуб ва йўналишлар вужудга келди ва шу асосда қурол-аслаҳалар ҳам такомиллашиб ҳарбий мудофаа характериға эға бўлиб борган.

Найза-қадимий қуроллардан бири бўлиб, Хоразм воҳасида яшаган қабилаларда милоддан аввалги V минг йилликдан бошлаб қўлланила бошланган. Найза учи ўткир ҳолда, дарахт япроғи шаклида, дастаси ёғочдан бўлиб, унинг узунлиги 1 м бўлган.

Ханжар – қадимий қурол-аслаҳалардан бўлиб, инсоният бронза давридан буён фойдаланиб келган. Дастлаб бронзадан кейин эса темирдан қилинган бу қурол яқин масофада уруш ҳаракатларида ишлатилиб, асосан пиёда ва отлик аскарларда бўлган.

Қилич - Хоразм воҳасидаги қабилалар милоддан аввалги I минг йиллик ўрталаридан ҳарбий ва мудофаа ишларда ишлатганлар. Қилич ва ханжарни хоразмийлар ўзи билан бирға олиб юриб, қилични сўл, ханжарни ўнг томонға тақиб юришган.

Қалқон – мудофаа қуролларидан бири бўлиб, милоддан аввалги I минг йиллик ўрталаридан фойдаланилган. Бу қурол ёғоч, бронза, темирдан ясалиб, кичик ва катта ҳажмда бўлган. Пиёда ва отлик аскарларни олд кўкрак қисмини беркитган. Қадимги Хоразм аҳолисининг мудофаа қуроллари ва уларнинг такомиллашуви ҳақида “Хоразмнинг

қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари” китобида кенг камровли таҳлилий маълумотлар келтирилган.<sup>10</sup>

Юқорида келтирилган маълумотлар ва таҳлилларға асосланган ҳолда шуни айтиш керакки, шаҳарлар ривожини натижасида милоддан аввалги VI-IV асрларда Хоразмда мураккаб мудофаа тизимиға яъни мудофаа иншоотлари ва ҳарбий билимлар таракқиёти ўзининг юқори поғонасига кўтарилди.

#### РЕЗЮМЕ

В этой статье изложены материалы о развитии и усовершенствовании системы обороны и оборонительных вооружений Хорезма в античном периоде.

#### RESUME

In the article materials about development and improvement of military defence system and defensive installation in ancient periods in Khorezm.

## XORAZMLIKLAR JAHONNING QADIMIY XALQLARIDAN BIRI

R.Otamurotova, UrDU

Jonajon O`zbekistonimizning hududi va unda yashayotgan xalqlar jahon xalqlarining eng qadimiy oshiyonlaridan va xalqlaridan sanaladilar. Bu hududda qadim-qadimdan so`g`d, baxtar, xorazmiy, marg`iyon va boshqa xalqlar yashaganligini juda yaxshi bilamiz. Ular o`z davlatchiligiga va yuksak madaniyatiga o`z urf-odatlarini va o`z tarixiga ega bo`lgan xalqlardir.<sup>11</sup> Shular ichida xorazmiylar jahonning eng qadimiy xalqlaridan biri sanaladi. Xorazmliklar juda keng hududda Eron bilan Turon o`rtasidagi yerlarda, Kaspiy dengizining sharqiy va shimoliy qirg`oqlarida, shuningdek Amu va Sirdaryoning quyi hamda o`rta qismlarida yashaganlar. Xorazm qabilalari haqidagi dastlabki yozma ma`lumotlar qadimgi yunon tarixchilari milletlik Gekatiy (mil.av. VII

<sup>9</sup> Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006. – Б 39.

<sup>10</sup> Қаранг: Собиров Қ. Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарлари мудофаа иншоотлари. – Т.: Фан, 2009.

<sup>11</sup> А.Асқаров. Қадимги Хоразм тарихига оид баъзи бир масалалар. // О`zbek etnologiyasi: yangicha qarashlar va yondoshuvlar. – Toshkent, 2004. – B.18.



asrning oxiri VI asrning boshlarida yashab o`tgani) va tarix otasi Gerodot (mil.av. V asrlarda yashab o`tgani) asarlarida ilk bor uchraydi. Ularning guvohlik berishlaricha, o`rta va quyi Amudaryo va Sirdaryo mintaqasida bir nechta yirik qabilalar istiqomat qilganlar.<sup>12</sup> Bu qabilalar derbiklar, sakaravaklar, xorasmiylar, saka-xaumavara va apasiyak-obisak kabi yirik uyushmalarga birlashganlar. Ular urf-odat va til jihatidan bir-biriga yaqin turganlar. Uyushmaning markazida o`troqlashgan, boshqalarga nisbatan yuqori madaniyatga ega bo`lgan Xorasmiya qabilalari bo`lgan. Yunon tarixchisi Gerodotning yozishicha, o`z davrida bu qabilalarni umumiy nom bilan massagetlar deb ataganlar. Gerodot o`zining "Tarix" kitobida xorasmiy qabilalariga ta`rif berib, ularning ochiq ko`ngil, o`ta mehmondo`st, o`ta mehnat-sevar bo`lishlari bilan birga o`ta jasur va mard bo`lganliklarini aytib o`tgan hamda xorasmiylarning tashqi ko`rinishlariga ham to`xtalib, ularni baland bo`yli, malla sochli, oq yuzli, ko`k ko`zli kishilar ekanligini yozadi. Tarixchi arxeologlar xorasmiy qabilalari qadimgi Xorazm hududiga, bundan 12-13 ming yil ilgari Oltoy tomondan ko`chib kelganlar desalar, ba`zi arxeologlar esa ular Hindiston tomondan kelganlar deya o`z taxminlarini bildirishgan. S.P.Tolstov, Ya.G`ulomovlar bu fikrga qarshi chiqib, xorazmliklar O`rta Osiyoning janubidan ko`chib kelmaganlar, Xorazm davlati Quyi Amudaryoda qadimgi zamonlardayoq vujudga kelgan va ular shu yerda yashab kelganlar deb xulosa qilganlar. Yunon tarixchisi bergan ma`lumotlarga asosan ularning nomlari quyidagicha bo`lgan: massagetlar, saklar, daylar, issedonlar, astaklar, ruminlar, xorasmiylar, sherxonlar, kaspiylar, arg`ishlar, arimpaslar, derbiklar, barkoniylar, topurlar, eglar kabilar edi. Bu qabilalar ichida eng ko`p sonlisi va qudratlisi, qabilalar uyushmasi deb atalgan massagetlar edi. Olib borilgan arxeologik

topilmalar shuni ko`rsatadiki, xorasmiylar jahonning eng qadimiy xalqlaridan biridir.

Qadimgi Xorazm qabilalariga oriylar ham kirgan bo`lib, ular baland bo`yli, sariq mag`iz yuzli, ko`k ko`zli, jingalak qo`ng`ir sochli kishilar bo`lganlar. Ko`pgina qadimgi mualliflar va yangi davr sharqshunos olimlarning ayrimlari eroniylar kabi xorasmiylar ham oriy qabilalari oilasiga mansub ekanliklarini bildiradilar. Xuddi shunday fikrni ko`zga ko`ringan sharqshunos olimlar akademik V.V.Bartold va akademik S.P.Tolstov o`z asarlarida ilgari surdilar. Xuddi shunday taxminni bildirgan yozuvchi Yevgeniy Berezikov ham o`z asarida oriy so`zini oliy janob va e`zozli ma`nosida tarjima qiladi. Shu sababli ham u xorasmiylarni tuzulishi yuqoridagi xususiyatlarini oriylarga juda o`xshash ekanligini ta`kidlagan. Taniqli faylasuf olim Tohir Karim ham o`zining "Muqaddas Avesto izidan" kitobida xorasmiylarning oriylarga mansub ekanligini ko`rsatib beradi. Xorasmiylarning oriylarga mansubligi haqida turli xil rivoyatlar ham mavjud.<sup>13</sup>

Ilk davlatchilik muammosining o`rganilishi natijalarini umumlashtirish sovet tarixshunosligida XX asrning 30-yillarida boshlangan. S.P. Tolstovning 1938-yilda chop etilgan "O`rta Osiyo qadimgi tarixining asosiy savollari" degan maqolasida ilk davlatchilik muammosining o`rganilishi natijalari tahlil qilingan edi. Shu davrgacha mazkur masala sovet tarixshunosligida deyarli o`rganilmagan.

V.M.Masson "Xorazmda yirik sug`orish inshootlari mil. avv. VI-V asrlarda barpo etilgan deb, mil. avv. IX-VIII asrlarda Xorazmda sodda dehqonchilik-chorvachilik madaniyati (Amirobod madaniyati) rivoj topgan va mahalliy bronza davri madaniyati xususiyatlarini saqlab, Xorazm tuprog`ida o`sha davrga oid paxsa yoki xom g`ishtdan qurilgan uy-joylar, mudofaa devorlari topilmagan, turar joylar yarim yerto`lalardan iborat bo`lib, sopol idishlar qo`lda

<sup>12</sup> A. Sagdullaev Qadimgi O`rta Osiyo tarixi. – Toshkent: Universitet, 2004. – B. 23.

<sup>13</sup> Tohir Karim. Muqaddas "Avesto" izidan. – Toshkent: Cho`lpon, 2000. – B. 53.

yasalgan”, - deb ta’kidlagan.<sup>14</sup> Bunday xulosalar Xorazm hududlarida davlatning juda erta vujudga kelganligini inkor etgan.

So’g’diyona, Marg’iyona, Parfiya va Ariyani qamrab olgan “Katta Xorazm” davlati to’g’risidagi nazariya ham rad etilgan bo’lib, V.M.Massonning aytishicha, So’g’diyona va Marg’iyona tarixiy-madaniy jihatdan qadimgi davrlardan boshlab, Baqtriyaga ancha yaqin bo’lgan.

Ushbu nazariyaga ko’ra, shu davr tarixshunosligida xorazmliklar dastlab O’rta Osiyoning janubida istiqomat qilganlar, qadimgi forslarning harbiy yurishlari natijasida, xorazmliklar janubdan Quyi Amudaryo yerlariga siqib chiqarilgan deb, faraz qilingan.

Keyingi yillarda M.G.Vorobeva mazkur nazariyani tahlil qilib, Xorazm davlati Quyi Amudaryo hududlarida qadimgi zamonlardayoq vujudga kelgan, deb xulosa chiqardi. A.S.Sagdullaev ushbu masalaga o’z e’tiborini qaratib, boshqacharoq xulosaga kelgan. Unga ko’ra, mil. avv. I ming yillikning boshlarida Marg’iyona va Baqtriya aholisining vakillari O’rta Amudaryo va Qashqadaryo vohasiga ko’chib borgan. Mazkur janubiy elatlarning guruhlarida Xorazmda ham joylashgan. Ular bu yerlarda mahalliy aholiga qo’shib, ushbu jarayon etnik jihatdan yozma manbalarda tilga olingan “xorasmiylar” elatiga asos solgan. Demak, tadqiqotchining fikriga ko’ra, Ahamoniylar davriga qadar O’rta Osiyoning janubida xorazmliklar istiqomat qilmaganlar, ular Marg’iyona-Baqtriya va mahalliy aholining etnomadaniy sintezi asosida aynan Xorazmda paydo bo’lganlar.<sup>15</sup>

“Avesto” O’rta Osiyo viloyatlarining qadimgi tarixi, ijtimoiy tuzumi, iqtisodiy hayoti va ma’naviy madaniyatini o’rganishda muhim manbadir.”Avesto”da keltirilgan qadimgi ma’lumotlar O’rta Osiyoda harbiy siyosiy birlashma tashkil topgan davrlarga

(mil.av. IX-VIII) mansubdir.<sup>16</sup> Bu birlashma Aryoshayyona yoki Aryonam Vayjo juda katta harbiy ahamiyatga ega bo’lgan. Shu davr aholisining bir qismi o’troq dehqonchilik va chorvachilik bilan shug’ullangan, boshqa bir guruhi esa ko’chib yuradigan chorvachilik shakliga o’tgan. Ular o’rtasidagi siyosiy qarama - qarshiliklar, kurash va tinimsiz bosqinlar “xonadonlarga, qishloq, viloyat va mamlakatga qashshoqlik va vayronlik keltirdilar”. “Avesto”da shu davr hukm surgan podsholar sulolasi – kaviylar ro’yxati quyidagicha: Xaosh’yonx, Yima, Syovarshon, Kavi Xaosrov, Kavi Vishtasp, Kavi Qavat, Kavi Usan, Kavi Pishin, Kavi Arshan.<sup>17</sup>

Kavi Xaosrav ariylar mamlakatlarini birlashtiruvchi podsho bo’lib, “tur” – chorvador qabilalarining yo’lboshchisi Frangrasyon bilan jang qilgan. “Avesto”da yoritilgan qadimgi qabilalarning tillari bir-biriga yaqin edi, ularning etnik qiyofasida ham ancha o’xshashliklar mavjud bo’lgan. O’troq va ko’chmanchi qabilalar o’rtasidagi asosiy farqlar e’tiqod, ma’naviy va moddiy madaniyati hamda xo’jaliklarida bo’lib, ularni bir-biridan ajratib turgan. “Avesto”ning Mouru, So’g’da, Baxdi, Xorazm aholisi dehqonchilik va chorvachilik bilan shug’ullangan, “tur” qabilalarining (va keyin sak-massaget qabilalarining) iqtisodiy hayotida chorvachilik ustunlik qilgan. O’rta Osiyoning dashtlari va tog’lari chorvachilik rivojlanishiga qulay sharoit yaratib bergan.

#### РЕЗИОМЕ

В данной статье даны научно-исторические сведения об особенностях быта, культуры, социально-экономических отношений древних хорезмийцев.

#### RESUME

In the given article was presented scientific and historical information about the features social life, cultural, social-economical relations of ancient Khorezm people.

<sup>14</sup> Q.Sobirov. Xorazmning qishloq va shaharlari mudofaa inshootlari. – Toshkent: Fan, 2009. – B. 41.

<sup>15</sup> A. Sagdullaev, O’ Mavlonov. O’zbekistonda davlat boshqaruvi tarixi. – Toshkent: Akademiya, 2006. – B. 78.

<sup>16</sup> Tohir Karim. Muqaddas ”Avesto” izidan. – Toshkent: Cho’lpon, 2000. – B. 60.

<sup>17</sup> A. Sagdullaev Qadimgi O’rta Osiyo tarixi. – Toshkent: Universitet, 2004. – B. 29.

## “ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ”НИНГ ТАЙЁРЛАНИШИ ВА УНДА ЎЛКАГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

С.Тиллабоев, ЎзР ФА Тарих институти

Ўзбекистон тарихига оид муҳим манбалардан бири XIX асрнинг иккинчи ярмида тайёрланган Туркистон тўплами хисобланиб, унда Ўрта Осиё тарихи оид мақолалар тўпланган<sup>18</sup>. Мазкур тўпلام 594 жилддан иборат бўлиб, ҳозирда Тошкент шаҳрида Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада сақланади. Тўпلامда унинг ташкил қилиш сабаблари, В.И.Межов ва фон Кауфман тўғрисида маълумотлар, тўпلامнинг систематик ва алфавит кўрсаткичи, Туркистон тўплами тузилиши, тўпلامнинг яқунланиши, тўпلامда Тошкент даври, О.В.Масловой ва Е.К.Бетгера кўрсаткичлари ҳамда иловалар ўрин олган<sup>19</sup>.

Тўпلامнинг ташкил қилинишининг асосий сабаби бу подшо ҳукуматида Туркистон ўлкаси империя таркибига киритилгандан сўнг босиб олинган ҳудудлар бўйича тўлиқ ва ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга хизмат қиладиган маълумотлар зарур бўлганида эди. Бундан ташқари ўлкани хом-ашё манбаига айлантирилиши учун Туркистондаги табиий бойликлар, локал хусусиятлар, унинг иқтисодий жиҳатларини етарли даража ўрганилишини талаб қилар эди. Ўлкадаги бойликларни, хом-ашёларни ўзлаштириш учун уларнинг жойлашиши билан бирга империянинг марказий губернияларига ташиб кетиш йўллари аниқлаш керак бўлган.

Бу вақтгача ўлканинг табиий, жуғрофик ва иқтисодий ҳаётига оид русча маълумотлар кам бўлиб, ўлка мустамлакага айлантирилгандан сўнг бундай маълумотларга империя маъмурияти катта эҳтиёж мавжудлигини англаб етган. Бундан ташқари генерал – губернаторлик маъмурияти ҳам ўлкани ҳар томонлама билиши учун етарли маълумотларга зор эди. Ўлка бўйича маълумотлар йиғиш бошланиши билан кўплаб хорижий тадқиқотчиларнинг ишлари русчага таржима қилиш ва кўплаб тадқиқотчиларнинг ишлари нашр қилиш бошланади. Буларга Н.М.Пржевальский, И.В.Мушкетов, П.П.Семенов, Н.А.Северцова, Н.А.Маев ва бошқаларнинг ишларини кўрсатиш мумкин. Шу билан бир қаторда матбуот саҳифаларида ўлкага оид кўплаб янги илмий оммабоп ва илмий мақолалар, чиқишлар, маълумотлар пайдо бўла бошлади. Буларда ўлка аҳолиси, урф-одатлар, тарихи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳоли, этногарфияси, маданиятига оид қиматли маълумотлар берилди бошланди<sup>20</sup>.

Ўлка тўғрисидаги маълумотлар мавжуд нашрларни йиғиш мақсадида фон Кауфман 16 август 1867 йилда халқ маорифи вазири Д.А.Толстой, император Фанлар академияси вице-президенти В.Я.Буняков, император оммавий кутубхона директори И.Д.Делянов, император рус географлар жамияти президенти Ф.П.Литка ва бош штаб бошлиғи Ф.Л.Гейденларга Туркистон ўлкасига оид материалларни йиғишга ва улардан юборишни сўрайди. Шундан кейин Тошкентга халқ маорифи департаменти Археографик Комиссия нашрларидан (собрание русских летописей, исторические акты и пр., в 25 томах) юборди. Император Новороссийск университети маъмурияти университет кутубхонаси фондидан русча, французча, немисча 87 номдаги

<sup>18</sup> Бенедиктова Н. Н. «Туркестанский сборник» как источник изучения Средней Азии. – Ташкент: «Литературный Ташкент». Альманах 1. 1945 г. – с. 18.

<sup>19</sup> Межов В. И. «Туркестанский сборник ... систематический и азбучный указатель сочинений и статей на русском и иностранных языках», т. 1., СПб. 1878 г., с. 5-6.

<sup>20</sup> Касимова А. Г. Туркестанский сборник. – Ташкент: Фан, 1985 г., стр. 18.

китобларни юборади. Император Москва университети кенгаши 66 китоб, Харьков университети эса 1869 йил университет профессорлари илмий даража олиш учун ёзган ишларидан, университет ҳисоботларидан, ўз йиғилишларининг баённомаларидан юбориб туради. Қисқа вақт давомида 1200 номдаги 2200 жилд китоб йиғилади. Булар Туркистон оммавий кутубхонаси асосини ташкил қилди. Айтиш лозимки кутубхона учун бу миқдор етарли эмас эди. Бундан ташқари юқорида таъкидлаб ўтилганидек империя марказий ва ўлка маъмурияти учун ўлкага оид батафсил маълумотларни тўплаш, уларни системага солиш, сақлаш ишларини амалга ошириш ишларини К.П.Кауфман библиограф Владимир Измаилович Межовга топширади<sup>21</sup>.

Межовга тўпланинг Межов ва фон Кауфман бўлимида Ўрта Осиё тарихи ва унга қўшни бўлган худудлар бўйича рус ва хорижий газета ҳамда журнал мақолаларини тўплаш, бир тўпламга жойлаштириш ишлари билан шуғуланиш бўйича мурожаат қилинганлиги, бу таклифга қуйидагича жавоб беради: Туркистон каби ўлкани қўлга киритилиши Россия учун катта аҳамият касб этди. У бизнинг шарқий чегараларимизни мустаҳкамлади, ... бундан ҳам муҳими савдо-сотик соҳасида бизнинг манифактура маҳсулотларимиз учун Ўрта Осиё бозорини очиб берди. Тез орада бизнинг карвонларимиз Ҳиндистонгача етиб борадиган кунлар келади ва ўшанда бизнинг манифактура маҳсулотларимиз Шарқ хазиначарига алмаштириб келтирилади. Ўрта Осиё билан савдо-содиқ яқин келажакда Ҳиндистонгача темир йўлларнинг қурилиши билан янада ривожланади. Ўрта Осиёдаги русларнинг ҳар бир ҳаракатини инглизлар бекордан бекорга кузатишмаяпти. Улар Ўрта Осиё масаласи бўйича ҳар бир чиқаётган ишларни жиддий кузатиб, библиографик

кўрсаткичлар тайёрламоқдалар. Бу вақтда биз четда турагимиз”.

Туркистон тўпланини тайёрлаш тарихи бўйича Межов ўзининг хатида “1867 йил йилда К.П. Кауфман мурожаат қилиб, Туркистон ўлкаси ва умуман Ўрта Осиёга оид маълумотлар акс этган мақола ва китоблардаги маълумотларни библиографиясини тайёрлаб беришни сўраганлигини таъкидлайди. У эса Кауфманга библиографиядан кўра мақола ва китобларни ўз ичига олган “Туркистон тўплами”ни тайёрлашни таклиф қилганлигини айтади. Ишнинг бошланишига Тошкентга дастлабки ўн томлик тўплани юборганлиги ва унинг эвазига 1000 рубль олганлиги баён қилади. Тўпламга Ўрта Осиёга оид энг кичкина мақолалар ҳам киритилади.

Таниқли библиограф Е.К.Бетгернинг таъкидлашича, тўплани тайёрланишига С.А.Идаров томонидан хизмат доирасида тайёрланган олти томлик Ўрта Осиё хонликлари ва қирғиз даштларига оид мақолалар тўплами прототип бўлди дейди. Кауфман “Туркистон тўплами”ни жуда юқори баҳолаб, “Биз Ўрта Осиёни ўрганишимиз ва ривожлантиришимиз учун муҳим тўплам” дейди. Кауфман дастлабки ўн томни шахсий кутубхонасида сақлайди. Тўплам Кауфман ҳукмронлик қилган даврда 250 томи тайёрланади. Черняев ва Розенбах даврларида (1882 – 1889) яна 166 том тайёрланади. Жами 416 томга етади<sup>22</sup>.

“Туркистон тўплами”ни тайёрлаш жараёни қуйидагича бўлган: газета мақолалари қирқиб олиниб, тўплам варақларига ёпиштирилган. Журнал ва китоб материаллари алоҳида варақларга тикиб чиқилган. Тўпламдан ўн мингдан ортиқ газета ва журнал мақолалари ўрин олган. Мақолалар чоп қилинган вақтидан келиб чиқиб жойлаштирилган. “Туркистон тўплами”даги катта ҳажмдаги маълумотларни ҳисобга олиб, ундан фойдаланишни осонлаштириш

<sup>21</sup> Отчет Туркестанской Публичной библиотеки и музея за 1907 год. – Ташкент, 1908. – с. 16.

<sup>22</sup> Остроумов Н.П. 2-ой Туркестанский генерал – губернатор М. Г. Черняев (1882 - 1884). 1930 год. – с. 42.



учун систематик ва алфавит кўрсаткич тайёрланади<sup>23</sup>. Алфавит кўрсаткич уч қисмдан иборат: 1) муаллифлар, таржимонлар ва номлар бўйича, 2) жой номлари, 3) чет тиллардаги номлар кўрсаткичлари.

“Туркистон тўплами”да материаллар систематик тарзда қуйидагича жойлаштирилган: 1) Ўрта Осиё тўғрисидаги умумий маълумотлар. а) тарихий, географик ва сиёсий мазмундаги маълумотлар. б) Ўрта Осиё бўйича саёхатлар ва экспедиция маълумотлари.

2. Ўрта Осиёдаги Россия босиб олган худудлар тўғрисидаги маълумотлар. а) география, статистика, этнография. б) тарих ва ёрдамчи тарих фанлари. в). Сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқ фанлари. г) қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, деҳқончилик, боғчилик, ўрмончилик, чорвачилик, асаларичилик ва балиқчилик. д) техника, ипакчилик, пахтачилик, узумчилик.

3. Тоғ-кон саноати. а) табиий ва математика фанлари. б) медицина. в) библиография, тилшунослик.

4. Ўрта Осиёдаги Россияга тегишли бўлмаган ерлар. а) Бухоро – Хива б) Туркменистон. в) Монголия, Шарқий Туркистон. г) Қошғар. д) Ҳиндистондаги Англия ерлари, унинг Ўрта Осиё билан муносабати, Афғонистон ва бошқа ерлар.

Хулоса қилиб айтганда, тўпламни тайёрлашдан асосий мақсад Ўрта Осиёга оид империя манфаатларига хизмат қиладиган турли соҳаларга доир маълумотларни йиғиш ҳисобланган. Тўплам Ўрта Осиёга оид турли хил кўринишдаги тарихий маълумотларни ўзида жамлаганлиги билан катта аҳамиятга эга.

## РЕЗЮМЕ

Данная статья посвящена «Туркестанскому сборнику», который подготовлен во второй половине XIX века и является важным источником по изучению истории Узбекистана.

## RESUME

The given article devoted to Turkestan collection which was published in the second half of the XIX century and the collection is considered one of the most important sources in the history of Uzbekistan.

<sup>23</sup> Бенедиктова. Н.. Н. «Туркестанский сборник» как источник изучения Средней Азии. // Сборник материалов к 75-летнему юбилею Государственной публичной библиотеке (1870-1945). – Ташкент, 1948, – с. 52.

**ЮРИДИК ФАНЛАР****ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ  
МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ:  
МУАММО, ТАҲЛИЛ ВА  
ТАДҚИҚОТЛАР****С.М.Саҳаддинов, ТДЮИ докторант-  
тадқиқотчиси**

Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотларнинг пировард натижаси халқнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

Жамиятимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ ислохотлари муҳтарам Президентимизнинг қимматли таклиф ва мулоҳазалари билан бойитилиб, унинг янги йўналишлари белгилаб келинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш ва жамиятда унинг обрўсини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида, жамиятимизнинг шаклланиш давридан ривожланиш даврига ўтишини белгилаб берувчи, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”га бағишланган маърузасида мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва

либераллаштиришдан иборатлигини таъкидлаганлиги бежиз эмас<sup>24</sup>.

Суд-ҳуқуқ тизимида инсон ҳуқуқларини чекловчи мажбурлов чораларидан бири тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўлиб, ушбу институтнинг қўлланилиши ўзига хос тиббий ижтимоий ва ҳуқуқий масалалар мажмуини эътиборга олишни тоқога этади.

Чунки инсон соғлом ёки касал эканлигидан қатъий назар, унинг ҳуқуқлари қонунга кўра бир хилда муҳофаза қилиниши зарур. Бу ўринда жиноят содир этган ақли норасо шахсларни даволаш ва улар томонидан содир этиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Жиноят процессида тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби ЎзР ЖПК 61-бобида белгиланган бўлиб, ушбу турдаги ишларни юритиш умумий асосларида жиноят ишларини юритиш тартибидан фарқ қиладиган бир қанча хусусияларга эгадир.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тиббий йўсиндаги мажбурлов чора тушунчасини етарлича очиб бермаган. Шу билан биргаликда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг тушунчаси, унинг ҳуқуқий моҳиятини ўрганиш, ушбу чораларни қўллаш жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида такидлаш керакки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо ҳисобланмайди ва унда жазолаш элементлари йўқ, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қилмишни давлат томонидан айблаш ҳам эмас, тиббий йўсиндаги мажбурлов

<sup>24</sup> И.Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”га бағишланган 2012 йил 12 ноябрдаги Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасидан.

чоралари судланганликни келтириб ҳам чиқармайди, балки руҳий касалликка чалинганларни даволаш ёки ҳеч бўлмаганда уларнинг аҳволини яхшилаш ҳамда улар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Фақатгина руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашдан мақсад мазкур шахсларни даволаш ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган янги ижтимоий хавфли қилмишларнинг олдини олишдан иборат. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси шахсни даволаш мақсадида қўлланилади. Бундай ҳолатда “руҳий касал” шахс Жиноят кодексининг 92-моддасида белгиланган ҳаракатларни содир этган бўлиш лозим<sup>25</sup>.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд – психиатрия экспертизаси хулосасига асосланган ҳолда муайян руҳий касалликка чалинган ва Жиноят кодексининг Махсус қисмида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишлардан бирини содир этган, шунингдек алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки захарвандликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланадиган, мажбурий руҳий даволашдир<sup>26</sup>. Хусусан, ЎзР ЖК 91-моддасига мувофиқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан уларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишнинг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкин.

Суд жазолаш билан бир қаторда алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки захарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга нисбатан- даволаш учун ва

жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароит яратиш учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин. Ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида ёки ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслик ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида содир этган шахсга нисбатан, агар у руҳий ҳолати ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра, жамият учун хавфли деб топилса, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилади. Даволаш деганда, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни ижтимоий ҳаётга мослашуви, унинг руҳиятини ўзгартириш мақсадида қўлланиладиган таъсир чораси тушунилади. Бундай усулда даволаш, шахснинг тўла тузилишини мақсад қилиб қўймасда, аммо шахсни жамият учун хавф туғдирмайдиган даражада руҳий жихатдан тузатишга қаратилади. Шу тарздаги тиббий мажбурлов чораси асосида даволаш усуллари деганда, даволанаётган шахсларга нисбатан қўлланилаётган чоралар қўлланилади<sup>27</sup>.

Юқоридаги қоидага мувофиқ, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жазо чораси ҳисобланмайди. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари суд томонидан тайинланадиган давлатнинг мажбурлов чорасидир. Бу мажбурлов чораси суд ҳукми билан эмас, суд ажрими билан белгиланади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасининг аниқ бир турини қўллашдан олдин суд белгиланган мақсадларнинг ҳар бирига эришиш мумкинлигига эътибор қаратиши лозим. Шундай қилиб тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жиноий жазо чорасидан ўз асосига, тузилишига ва юридик оқибатига кўра фарқ қилади.

<sup>25</sup> Рустамбаев М.Х. Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Тошкент: Илм-зиё, 2006. – Б. 1111-1112

<sup>26</sup> Голоднюк М.Н. Уголовное право В XXI веке. – М.: ЛексЭст, 2002. - С. 126

<sup>27</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августидаги “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги Қонуни // “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси” 2000 йил, – № 7-8, 215-модда.

Юридик оқибатига кўра фарқи шундаки, жиноий жазо судланганлик тарикасидаги ҳуқуқий оқибат вужудга келтиради, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси эса, судланганлик ҳолатини келтирибчиқармайди. Агар алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан жазо чораси билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш билан бирга қўлланилган бўлса, судланганлик муддатини ҳисоблашда мажбурлов чоралари тайинланган муддат ҳисобга олинмайди. Агар шахс жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги учун жазодан озод қилинган бўлса, судланганлик муддати жазони ҳақиқатда ўталган қисмига нисбатан ҳисобланмайди.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш учун: ижтимоий хавfli қилмишни аҳли норасолик ҳолатида содир этилиши; ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш вақтида аҳли расо бўлган, лекин суд ҳукми чиқарилгунга қадар ўз қилмишининг аҳамиятини англаб этиш ёки ўз харакатини бошқариш қобилиятидан маҳрум этадиган руҳий касалликка чалиниши; жиноят содир этганлиги учун жазога маҳкум қилинган, лекин жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалиниб ўз қилмишининг аҳамиятини англаб этиш ёки ўз харакатини бошқариш қобилиятидан маҳрум бўлиши; алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларнинг жиноят содир этиши асос бўлиб ҳисобланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари юкорида келтирилган тўрт тоифадаги шахсларга нисбатан шахсларга нисбатан суд томонидан қўлланилади. Бу тоифадаги кишиларнинг ҳар бири маҳсус белгиларга эга.

**Биринчи тоифага** Жиноят кодексининг Маҳсус қисмида кўрсатилган ижтимоий хавfli қилмишлардан бирини ақли норасо ҳолатда содир этган шахслар киради. Бу шахслар руҳий касаллиги туфайли ўз харакатининг фактик хусусиятини,

шунингдек қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги ва бирор объектга нисбатан муайян зарар етказилишини англаб етмайди. Жиноятнинг субъекти ақли норасо шахс бўлганлиги туфайли, бундай шахслар ижтимоий хавfli қилмиш содир этсаларда, уларнинг қилмиши жиноят ҳисобланмайди. Шу туфайли уларнинг жиноий жавобгарликка ёки жазога тортиш мумкин эмас. Бундай тоифадаги шахсларга нисбатан йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилади. Улар жазога тортилганда жазонинг тарбиялаш ва огоҳлантириш мақсади амалга ошмайди.

**Иккинчи тоифага** жиноят содир этгандан сўнг жиноий жавобгарликка тортишга тўсқинлик қилувчи касалликка чалинган шахслар киради. Бу тоифадаги шахсларга ақли расолик ҳолатида жиноят содир этгандан сўнг, дастлаб тергов ёки суд мажлиси давомида руҳий касалликка чалинган шахслар киради. Бундай ҳолатда уларга нисбатан жиноий жазо қўлланилмайди, уларга нисбатан фақат мажбурлов чоралари қўлланилади.

**Учинчи тоифага** жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинган шахслар киради. Улар жазони ўташ вақтида ўз харакатининг аҳамиятини англамайди ва ўз харакатларини бошқара олмайди. Бундай ҳолларда уларга нисбатан қамоқ ва жазони ижро этиш муаассасаси бошлиғининг қарори билан суд-психиатрия экспертизаси тайинланади.

**Тўртинчи тоифага** шахсларга қонун жиноятни ақли расо ҳолатларда содир этган, аммо алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққанлиги туфайли тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасига мухтож бўлганлар киради. Алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка йўлиққан шахслар ҳам умумий асосларга кўра, жиноий жавобгарлик ва жазога тортиладилар. Уларга нисбатан мажбурий даволаш чоралари жиноий жазо билан бир қаторда қўлланилади.



Шу ўринда таъкидлаш лозимки, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ижтимоий хавфли қилмиш содир этган руҳий касалларга, шунингдек, жиноий жазо билан бирга алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка, сурункали ва юқумли сил, тери-таносил, ОИТС касаллигига чалинган шахсларга махсус даволаш муассасаларида руҳий ёки бошқа тиббий ёрдам кўрсатишда ифодаланадиган суднинг ажрими билан қўлланиладиган давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади<sup>28</sup>.

Г.З.Тўлаганова таъкидлаганидек, “Шахснинг розилигисиз уни тиббий ёки руҳий стационарга мажбурий жойлаштириш фақат ҳибсда сақланаётган шахсларга нисбатан қўлланилиши лозим. Ҳибсда сақланмаётган гумон қилинувчи ёки айбланувчи тиббий ёки руҳий стационарга мажбурий жойлаштириш зарурати туғилган ҳолларда эса, уларни камокқа олиш тўғрисидаги илтимоснома билан ЖПКнинг 243- моддасида назарда тутилган тартибда судга мурожаат қилиниши мақсадга мувофиқдир<sup>29</sup>”.

